Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

7

1992 йил 17 февраль (46)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Қизгина, сенинг қундуз қошларинг, ҳаётга муҳаббат ва умид билан боқаётган кўзларингда интиқлик, орзу мужассам. Сен меҳнатга, келажакка ташнасан.

Гулсанам Баратова Андижон ип йигирув фабрикасида ишлайди.

Юз сатр дил сўзи

БИРЛИГИМИЗ—ҚАЛҚОНИМИЗ

Якшанбада бозорга тушгандим, ногаҳон бир нохуш воқеанинг гувоҳи бўлдим. Расталар ёнида қопларини ерга қўйиб сабзавот сотаётган йигит ўзи тенги харидор билан ғижиллашиб қолди. Улар бир-бирларига тобора қаттиқ-қаттиқ гапиришар, агар одамлар аралашмаганда даканг хўроздек бир-бирларига ташланиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмасди.

Бу воқеани кузатиб турган одамлар орасида турли миллат вакиллари бор эди. Ораларида мийиғида кулиб турган «томошаталаблар» ҳам йўқ эмасди. Ўзбеклигимизни, бояги икки йигитнинг ҳам ўзбек эканлигини кўриб хижолат чекдим. Ахир биз қачонгача сал нарсага тезлашиб, бир-биримиз билан ёқалашеварамиз? Қачонгача ўзгаларга томошабин бўлиб турамиз?

Бояги воқеа сабаб, шоир айтган «қачон халқ бўласан, эй, сен оламон», деган дардчил сатрлар ёдга тушди. Ўзбек театрида ажралиш, ижодкорлар орасида ажралиш, бозорларда бир-биримизга ҳезланиш... Шу кунларда булардан кимга фойда, ҳатто сен ҳақ бўлганингда ҳам, иккинчи бир гуруҳни ёки иккинчи бир кишини ютиб чиққанингда ҳам...

Мустақил бўла бошладик. Ҳеч бўлмаса, энди бу сўзнинг чин маъносини тушунайлик, эркинликнинг қадрига етайлик. Бунинг учун эса энг аввало бирлашишимиз керак эмасми?!

Яқинда «Комсомольская правда» газетаси «Масжидлар соясидаги руслар» мақоласи билан яна одатдагидек республикамизга тош отди. Эмишки, бора-бора Ўзбекистон Қўқон, Бухоро, Хоразм ва Тошкент давлатларига бўлиниб кетармиш.

Башоратнинг совуқлигини қаранг. Демак, мустақиллигимиз бу гапларни ўз газеталарида ёзган довдир башоратчилар Д. Сабов ва И. Чернякка ёқмаганидек, яна аллакимларга ҳам хуш келмаяпти. Шундай экан ёлғон-яшиқ гапларга ўрин бермаслик учун аввало ҳар бир ўзбек, Ўзбекистон фуқароси мустақиллик йўлида бир-бирига мададкор бўлмоғи керак. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳамфикрлилик томон етаклайди. Ахир неча-неча йиллардан буён ҳар бир ўзбекнинг кўнглида эркинлик туғёни пинҳон дард бўлиб ётмаганмиди?! Орзулар ушалаётган дамларда ҳушёр ва доно бўлайлик. Жаҳлга эрк бермай ақлни ишга солайлик. Ҳар қандай қутқу, иғво, ғаламисликнинг қалқони — бирлик! Халқ бир бўлса, бир ёқадан бош чиқарса, мустақиллик қуёши фақат кўнглимиздагина эмас, балки ҳамиша кўз ўнгимизда барқ уриб туради.

Ахир шундай пайтларда неча-неча ўзбек элатларини бирлаштириб оламга донги кетган туркий давлатини тузган бобомиз Амур Темурни эсга олайлик. Алишер Навоийдек зукко, Улуғбекдек доно, Бобурдек қўрқмас алломаларнинг авлодлари эканлигимизни эслайлик. Ва унда балки жаҳолат ортга чекиниб, фақат мустақиллик йўлидаги бирликдан ўзга ташвишимиз қолмас. Илоё шундай бўлсин!

Адҳам ДАМИНОВ.

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти И. А. Каримов Фармонларига биноан:

Муҳаммаджон **ҚОРАБОЕВ** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Анатолий Николаевич **ВОЗНЕНКО** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Сайфулла Давирович **САЙДАЛИЕВ** Тошкент вилояти ҳокими;

Эркин **ТУРСУНОВ** Жиззах вилояти ҳокими;

Ботир **МАҲМУДОВ** Сирдарё вилояти ҳокими этиб тайинландилар.

● **БЎСТОНЛИҚ** районидаги «Чимён» болалар санаторийсида қорақалпоғистонлик 170 га яқин ўғил-қиз даволанмоқда. Экологик фожеадан азият чеккан бу болалар республика касаба уюшмалари ҳисобидан бепул даволаниш, яшаш билан бирга ўқишларини ҳам давом эттирадилар. Улар учун махсус синфхоналар, ўқитувчилар ажратилди.

● **ЎЗБЕҚИСТОН** Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон берди.

● **ЎЗБЕҚИСТОН** Республикаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий қўмитаси ташкил этилди.

● **ЎЗБЕҚИСТОН** Республикаси Президентининг Фармони билан Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бир гуруҳ ишчи ва мутахассислари мукофотландилар.

● **ТОШКЕНТда** Франция маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕҚИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Мурод Муҳаммад **ДЎСТ** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг бош директори этиб тайинланди.

● **ТУРКМАНИСТОН** Республикасида олтин, платина, уран кони очилди.

● **РОССИЯ** меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг Президенти қилиб академик В. Бураковский сайланди. Россия Президентининг рафиқаси Н. Ельцина эса вице-президент бўлди.

● **ЛИТВАда** дори-дармонларнинг чакана нархлари 2, 3, хориждан келтирилган дориларнинг нархи эса 3, 4 баробарга ошди.

● **САУДИЯ** Арабистонининг Мадина шаҳри яқинида автомобиль ҳалокати натижасида 6 киши ҳалок бўлди, улардан 40 киши жароҳатланди. Автобус ичида 50 нафар одам бўлган эди.

Манфаатлар муштарак

Ҳозир ҳам жуда кўп ўртоқларимиз, жамоа шартномаси ҳақида гап кетса уни касаба уюшмаси қўмитасининг иши деб тушунадилар. Бу жуда ҳам катта хатоимиз, сабаби жамоа шартномаси меҳнаткашларга яхши иш ва дам олиш шароити яратиш, мустаҳкам иқтисодий ва социал ҳимояни вужудга келтириш учун тузилади. Асосий бажарувчи маъмурият, шартноманинг бажарилишини назорат қилиб борувчи эса касаба уюшмаси қўмитаси бўлади.

Ўтган йилнинг бошида имзоланган жамоа шартномасида учта асосий қисм бўлиб, улар хўжалик фойдалари ва даромадлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, социал ривожланиш, меҳнаткашларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш, маданий тарбия ва спорт ишларидан иборат эди. Маъмурият бутун йил давомидаги фаолиятида шартномада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун алоҳида ғамхўрлик қилди. Ишимизни бошланғич ташкилотларни моддий жиҳатдан мустаҳкамлашдан бошладик. Цех касаба уюшмаси раисларининг ойлик маошларига 50 сўмдан, гуруҳ раисларига эса ойлик маошларининг ўн фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўлана бошланди. Бу тадбир фаоллар масъулиятини оширишга катта ёрдам берди.

Меҳнат беллашувларининг самарадорлиги ғолибларнинг моддий рағбатлантирилишига боғлиқ. Чунки беллашувлар моддий жиҳатдан мустаҳкамланмаса, ҳеч қандай натижа бермайди, қуруқ гап бўлиб қолади. Хўжаликда тармоқлар бўйича ташкил этилган меҳнат беллашувларининг якунлари ўз вақтида чиқарилиб, ғолиблар муносиб тақдирланиб борилдилар. Фақатгина ана шу мақсадлар учун хўжалигимиз 290 минг сўм маблағ сарфлади. Биз бу маблағ ўзини бир неча баробар оқлади, деб айта оламиз.

Аммо очиқ тан олиш керак, шартноманинг айрим моддалари бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўлиқ бажарилмади. Масалан, ишчиларга иш ҳақларининг ўз вақтида берилмай қолиш ҳоллари, бизнинг бошланғич ҳужжатларимиз тайёр бўлса-да, Пойтуғ деҳқончилик-саноат банкида пул бўлмагани учун юз берди. Далада ишловчи аёлларимизга махсус кийим-бошига буюртма бериш учун материаллар топа олмадик. Дала шийпонларидаги душ ва ҳаммомлар учун жиҳозларни ҳам пулимиз бўла туриб, магазинлардан топа олмадик. Бу соҳада бизга ёрдам жуда ҳам керак.

Хўжалигимиз ўз ўрамидаги болалар боғчаларини гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаб келади. Чунки улардан меҳнаткашларимизнинг фарзандлари тарбияланадилар. Лекин хўжалик умумий овқатланиш корхонаси орқали берилаётган бу маҳсулотларнинг давлатга сотиш режасига кирмаётганлиги катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Чорва маҳсулотлари тақчиллиги сезилиб турган бир вазиятда бу масалани узил-кесил ҳал этиш вақти етди, деб ўйлайман.

Бозор иқтисодиёти янги-янги қийинчиликларни келтириб чиқараётган бир пайтда аҳолининг социал ва иқтисодий ҳимоясини вужудга келтириш катта аҳамиятга эга. Шартномага асосан хўжалик ҳудудидаги қариялар, боқувчисини йўқотганлар, шароити оғир оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган эди. Бу соҳадаги иш ана шу кишиларга хўжалик фаолларини биркитиб қўйишдан бошланди. Ана шу вакилларнинг тавсияси билан моддий ёрдам учун хўжалик ҳисобидан 60 минг сўмдан ортиқроқ, касаба уюшмаси томонидан эса 35 минг сўмдан зиёд маблағ ёрдам сифатида берилди. Хўжаликда узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиққанлардан 355 кишига ички пенсиялар берилмоқда. 22 нафар боқувчиси йўқ ёлғиз қариялар умумий овқатланиш корхонамиз орқали уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқдалар.

Президентимизнинг Фармонига асосан хўжалигимизда яшовчи мактаб ўқитувчиларига уйлар шахсий мулк сифатида бепул берилди. Бундан ташқари хўжалик ҳисобидаги уйлар ва квартиралар меҳнаткашларга сотилди. Маъмурият, касаба уюшмаси қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат комиссияга меҳнат стажларини ҳисобга олган ҳолда имтиёз белгилаш ҳуқуқи берилди. 25 йилдан ортиқ ишлаганларга уй-жойлар бепул, йигирма йилдан ортиқ ишлаганларга учдан бир қийматига, ўн олти йилдан ортиқ ишлаганларга қирқ фоизи миқдорида, ўн йилдан ортиқ ишлаганларга эса ярим миқдорда сотилди. Ёлғиз кишиларга, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ногиронларига, байналмилал жангчиларга ҳам уйлар имтиёзли асосда сотилди.

Қисқа қилиб айтганда, хўжалик маъмурияти жамоа шартномасини имзолаб ва унда ўзига тегишли моддаларни бажариб, фақат ютди холос. Энди сарфланган маблағларимиз берган натижани кўринг. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан келаётган ялпи даромад 34 миллион сўмни, шу жумладан, пахтачиликнинг ўзидан 27 миллион сўмни ташкил этмоқда. Иш ҳақи жамғармасини тўлиқ бажариб, меҳнаткашларга йил давомида 14 миллион сўм ойлик маош қилиб берилди. Ўртача ойлик маош 1990 йилдаги 260 сўмдан 400—450 сўмга кўтарилди.

А. МАҲМУДОВ,
Андижон вилояти, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигининг директори.

ИККИ ҲИССА ОШАДИ

Бахмал районидаги Усмат тикувчилик фабрикасига Оломон, Уяс, Турк, Қаробчи, Юмолоқбош қишлоқларидан қатнаб ишловчи қизларни ишхонага олиб келиш, сменадан сўнг уйларига олиб бориб қўйиш учун маҳсус автобус ажратилди. Корхона ишчиларини иқтисодий ҳимоялаш мақсадида 1991 йилнинг иккинчи ярми мобайнида бепул овқат бериб келинди. Бу иш 1992 йилда ҳам давом эттирилаяпти. Шу мақсадда район умумий овқатланиш корхонаси маъмурияти билан шартнома тузилди. Фабрика маъмурияти янги имкониятларни қидириб топди ва касаба уюшмаси ташкилоти билан келишган ҳолда ҳар бир ишчига 100 сўмдан моддий ёрдам пули беришни ташкил этди.

Фабрикада ишлаш истагини билдирган ёшлар сафи кўпаяётганлиги сабабли корхонани кенгайтиришга киришилди. Фабрика жойлашган асосий бинонинг иккинчи қаватида яна бир цех ишга туширилди. Бу янги цехга 40 та тикув машинаси ўрнатилди. Унда 80 нафар тикувчи ишлайди. Цех тўлиқ ишга тушса фабрика қуввати икки баравар ошади ва йилига 3—3,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлади.

Алибой ЭРГАШЕВ

ИНСОН ОМИЛИ — ИШ МЕЗОНИ

● ҚИЗИЛТЕПА пахта тозалаш заводи касаба уюшмасининг шиори ана шундай. Ишчилар саломатлиги борасида уларга сут, қатиқ маҳсулотларини узвий бериб бориш касаба уюшмасининг қаттиқ назорати остига олинган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадларида маъмурият билан ҳамкорлик асосларида, ҳар бир ишчи ойлик иш ҳақининг 100 сўмига қўшимча 30 сўм пул бериш жорий этилди.

1991 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб корхона олаётган даромаднинг бир қисми ишчиларга маош тариқасида тарқатилмоқда. Бу ҳар бир завод ишчиларига 25 фоиз қўшимча маош демакдир.

Касаба уюшмаси ишчиларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, махсус коржомалар билан таъминлаш борасида ҳам аниқ ишларни амалга оширмоқда. Натижада завод фаолиятининг кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча яхши бўлмоқда.

«УМИД»НИНГ УМИДЛАРИ

● ҚОРАКЎЛ район хўжаликлари ҳамкорликда аукционерлик жамияти тузиб номини «Умид» деб аташди.

Район деҳқончилик саноати уюшмаси қошида ташкил этилган ушбу агрофирма жамоа ва давлат хўжаликларида етиштирилган пахта пилла, жун, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзга минтақаларга манфаатли асосда сотиш ва айирбошлаш ташкилотчисидир.

«Умид»нинг дастлабки одимлари хўжалик раҳбарларига манзур бўлмоқда. Қишлоқларни газлаштиришни узил-кесил ҳал қилиш мақсадида Москвадаги «Видеоинторг» корхонаси билан тузилган шартнома асосида газ қувурлари олиб келинади.

Агрофирма ходимлари даставвал район аҳолисини истеъмол моллари билан таъминлаш, сўнгра энг замонавий кичик корхоналар харид қилиб қўли бўш аҳолини иш билан банд этиш ниятида ҳаракат қилмоқдалар.

Халқ фаровонлиги йўлидаги холисона умидларинг рўёбга чиқаверсин «Умид».

ЖАННАТ БУРЧАГИГА МАРҲАМАТ

● ЮНОН тилида жаннат бурчаги — Эдем деб аталаркан. «Эдем» номи билан иш бошлаган кичик корхона олтинтопарлар шаҳри — Зарафшон аҳлини хушнуд этмоқда.

Бу кичик корхона кийимкечак тикишга ихтисослаштирилган. «Жаннат бурчаги» деган сўзнинг бунга нима даҳли бор, дерсиз? Ҳа, гап шунда. Бу ерга келган мижоз яратилган қулайликлардан баҳри-дили яйрайди. Залда қўйилган турли хил кийимкечак намуналарини томоша қилиш билан бирга ўзингизга мос келганини харид қилишингиз ёки буюртма беришингиз мумкин. Кафе — барга кириб қаҳва ичиб, ансамбль гуруҳининг чиқишларини мириқиб томоша қилишингиз мумкин. «Эдем» ўз номига мос — эртаклардаги жаннат маконини эслатади.

Р. НОСИРОВ.

— Бизга қандай таклифларингиз, илтимосларингиз бор,— дейди Тошкент қурилиш бош бошқармаси 1-автохўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Фарҳод Абдуазимов (ўртада), хўжалик ҳайдовчиларига. Бу ерда хизмат қилаётган юзлаб ҳайдовчилар ҳам ўз навбатида унга талаб ва истакларини билдиришади. Истагу, фикрлар билан муаммолар ўз вақтида ҳал бўла боради.

Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ

ҒАМХЎРЛИК МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

— Ҳамма нарсанинг яратувчиси меҳнат кишиси ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Самарқанд вилояти Пахтачи район таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси директори Баҳодир Худойбердиев. — Қаерда уларга ғамхўрлик кучайтирилса, ишлаб чиқаришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилади, албатта. Шу сабабли барча жойлардаги каби бизнинг ташкилотимизда ҳам инсон омилига эътибор тобора оширилаётир.

Дарҳақиқат, мазкур корхонада бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг иш ва турмуш шароити билан яқиндан танишсангиз, бу сўзларнинг замирида катта маъно, қувончли кўрсаткичлар ётганини билиб оласиз. Ҳозир бу ерда 232 нафар киши меҳнат қилаётир. Улар жорий йил бошидан ижара пудрати асосида ишлашга ўтишган. Демакки, ҳар бир заҳматкаш уста, чилангар, токару шофёр аввалгидек «умумий қозон» учун эмас, аввало, ўзи учун ишлайди, биркитилган техника воситаси, асбоб-ускуна, бино ва материалга ўзимники, унинг фойдаси ҳам, зарари ҳам ўзимга, деган кайфият билан муносабатда бўлаётир. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларнинг ошишида муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Бизнинг ана шу гапларимизни корхона бош ҳисобчиси Парда Омонтошевнинг рақамлар тили билан айтган далиллари ҳам яққол исботлаши мумкин. Унинг таъкидлашича, янги усулнинг шарофати туфайли бу йил камида 890 минг сўм фойда олиш мўлжалланаётир. Ҳозиргача бу рақам 740 минг сўмни ташкил этаётир. Ўтган йил давомида эса мазкур кўрсаткич бор-йўғи 202 минг сўмга етган эди, холос.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ана шундай услубга кўчирилганлиги, қолаверса, кишиларнинг ўз ишига нисбатан масъулиятининг ошиши, бунинг эвазига ҳар бир соҳада иқтисод ва тежамкорлик ривожланиши натижасида келаётган юқоридаги фойда пулининг бир қисми ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳозирги иқтисодий тақчиллик, бозор иқтисодиёти даврида уларнинг турмушини оз бўлсада яхшилаш, маданий-маиший ишларни кўнгилдагидек ташкил этишга сарфланаётир. Корхонада ҳар бир кишига берилаётган 100 сўмлик товон пулидан ташқари уларга ойида ишлаб топган иш ҳақига 20 фоиз қўшимча пули ҳам ёзилаётир. Ана шу фойдадан 209 минг сўми бевосита ускуналар ёнида тер тўккан, автомашина, трактор рулини бошқарган ва умуман, ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашган кишиларга 6 ой якуни бўйича, мукофот сифатида берилди.

Корхона маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилотларининг жамоа аъзоларига кўрсатаётган ғамхўрлиги борасидаги хайрли ва ибратли ташаббусларидан яна бири сифатида ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган маҳсулотлардан талайгина қисмининг уларга арзон баҳоларда сотилаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Шу йилнинг ўзида республика Президентининг фармонига амал қилган ҳолда ишчиларга 30 бош қўзи сотилди. Мавжуд 5 гектар ерга экилган экинлар ҳосилидан 30 тонна маккажўхори силоси, 10,5 тонна пиёз ва ҳар бир кишига 100 килограмм ҳисобида галла етказиб берилди. Бу борада корхонада келгусида ҳам бир қатор эзгу юмушлар амалга оширилиши мўлжалланиб, шу асосда иш юритилаётир.

Мазкур корхонадаги кишиларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, инсон омилига эътибордан бошқа хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари ҳам ўрнак олишса яхши бўларди.

Б. ШАМСИЕВ,
Самарқанд вилояти, Пахтачи районы.

Ҳуқуқий сабоқлар

Республикамиз ҳаётида, айниқса унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бир қатор ижобий силжишлар бўлаяптики, ана шулардан бири ижара тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинишидир.

ИЖАРАЧИЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги еттинчи сессиясида «Ижара тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу янги қонун 4 бўлим 32 моддадан иборат бўлиб, у эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасида ижара муносабатларининг амал қилиши ва ривожланишининг ташкилий ҳуқуқий асослари ушбу қонунда белгилаб берилган.

Қонун ижара муносабатлари субъектларининг иқтисодий ва юридик мустақиллигини кафолатлайди, уларнинг эгалигини, манфаатдорлигини, ҳар бир шахснинг иқтисодий ва ижобий фаоллигини кучайтиради ҳамда ҳуқуқ ва масъулиятини белгилайди.

Ижара шартномасига кўра ижарачи ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек,хўжалик фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиши ва фойдаланиши мумкин. Бундай муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу қонуннинг 1-бўлими «Умумий қоидалар»дан иборат бўлиб, 19 моддани ўз ичига олган. Бу бўлимда ижара муносабатларининг объекти ва субъектлари, ижарага олинган мулкнинг қиймати, ижара ҳақи, ижара шартномаси шартларини ўзгартириш, уни бекор қилиш ва тўхтатиш, мулкни ижарага берувчига қайтариш, ижарага олинган мулкни сотиб олиш ва бошқа бир қатор қоидалар баён этилган. Қонунга биноан, ижарага берувчи ва ижарачи ижара муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар. Мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижарага берувчи ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан совет ва чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар, шунингдек, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ижарачи бўлишлари мумкин. Томонларнинг ихтиёрийлиги ва тўла тенгҳуқуқлилиги асосида маълум муддатга тузиладиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади. Бунда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиши учун ерни, бошқа табиий ресурсларни ижарага олиш узоқ муддатга, камида 5 йилга мўлжалланган бўлиши керак.

Ушбу қонунга биноан ижарага берилаётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби, ижара муддати ва ҳақи миқдори, уни тўлаш муддатлари, ижарага бериладиган мол-мулкнинг ҳолати, агар ижарага олинган мол-мулк кейинчалик сотиб олиш шарти билан топширилаётган бўлса уни сотиб олиш шартлари, тартиби ва муддати кўрсатиб ўтилиши лозим.

Бундан ташқари яна ижара шартномасига ушбу қонунда кўзда тутилган бошқа бир қатор шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Ушбу қонуннинг 6-моддасига биноан ижарага берилаётган давлат мулкининг қиймати Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланади. Қонунга биноан ижарага берилаётган, давлатга қарашли бўлмаган мулкнинг қийматини мулкдор белгилайди. Ижарага берувчи эса ижарасига мол-мулкни у қайси мақсадга мўлжалланган бўлса, шунга мос ҳолатда ёки шартномада кўзда тутилган ҳолатда топширилиши шарт. Ижарага берувчи топширилган мулкдан фойдаланишга халақит бераётган нуқсонлар учун, шу жумладан шартнома тузиш чоғида аниқланмаган нуқсонлар учун ҳам жавобгардир.

Қонунга биноан ижара ҳақи томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади, бунда ер ва табиий ресурслар учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган тартибда ва доирада белгиланади.

Ижара ҳақи ижарага олинган мол-мулкнинг эгасига тўланади. Бунда, башарти давлат корхонасига тегишли мол-мулк ижарага берилган бўлса, унинг ҳақи тегишли бюджетга келиб тушади. Ижара ҳақи ижарага олинган бутун мол-мулк учун яхлит ёки ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида натура, пул ёки аралаш шаклларда белгилаб қўйилиши мумкин. Ижара ҳақини тўлаш шартлари ва муддатлари шартномада кўрсатилади.

Ижара ҳақи миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ шартномада кўзда тутилган муддатларда ўзгартирилиши мумкин. Яна бу ҳақнинг миқдори марказлаштирилган тартибда белгилаб қўйиладиган нарх-наво ва тарифлар ўзгарган тақдирда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда томонлардан бирининг талабига мувофиқ муддатидан олдин ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Томонларнинг келишуви билан ижара шартномаси шартларининг ўзгартирилиши бекор қилиниши ва тўхтатилиши мумкин.

Томонларнинг бири шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчисининг талабига кўра ижара шартномаси тегишли суднинг қарори билан бекор қилиниши мумкин.

Ижарачи ногирон бўлиб қолган ёки муомилага лаёқатсиз деб топилган ҳолларда эса шартноманинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда тўхтатилади. «Корхоналарни ижарага олиш» II бўлим (20—28 моддалар)ни ўз ичига олади. Бу қонуннинг 20-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, корхона ёки унинг таркибий бирлиги меҳнат жамоаси унинг асосида ижара корхонасини барпо этиш учун ижарачилар жамоасини тузишга ҳақлидир. Ижарачилар жамоаси ва унинг бошқарув идораларини тузиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасининг қарор қабул қилишга ваколати бўлган умумий йиғилиши ёки конференциясида ҳозир бўлганларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Ижарачилар жамоаси бу шартнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни корхонани ижарага бериш учун ваколат олган идорага юборади. Бу идора шартнома лойиҳасини олгач, ўттиз кунлик муддат ичида уни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши шарт. Корхона ижара шартномаси имзолангач, умумий йиғилишда (конференцияда) устав тасдиқланганидан кейин ижара корхонаси мақомига эга бўлади.

Ижара корхонаси ўз навбатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ва корхона мулкини белгиланган тартибда қабул қилиб олгандан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу қонуннинг III бўлими «Мулкнинг фуқаролар томонидан ижарага олиниши» (29—30 моддалар)ни ўз ичига олади. Ижарачилар якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб мулкни ижарага олганда ушбу қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқларига эга бўладилар.

Ушбу қонунга биноан якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб мулкни ижарага олиш шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ишчи ва хизматчилар билан бир қаторда ижтимоий суғурта қилиниши ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши керак.

Ижарачиларнинг суғурта бадаллари тўлаб турилган давр мобайнидаги иши эса уларнинг меҳнат стажига кўшилади.

Қонуннинг IV бўлими «Низоларни ҳал қилиш, ижара муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги» (31—32 моддалар)ни ўз ичига олади.

Бу бўлимда ижара муносабатларига доир баҳсларни ва низоларни ҳал этиш қоидалари ҳамда ижара муносабатлари субъектларининг масъулияти қайд этилган.

Юридик ва жисмоний шахслар, давлат идораларининг мансабдор шахслари шартнома тузиш тартиби ва шартларини бузишда, шартнома мажбуриятларини бажармасликда, шартномани бир томонлама ўзгартиришда ёки бекор қилишда, шартномани ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби ҳамда шартларини бузишда айбдор бўлган тақдирда улар қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Бу қонунни қабул қилишдан асосий мақсад келгусида республикамизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда, унда ижара муносабатларининг амал қилиши ва ривожланишининг ташкилий ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Бу қабул қилинган қонун келажакда яхши самаралар беради, деган умиддамиз.

А. АЛИМУХАМЕДОВ.
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонун лойиҳаларини таклиф этиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими мудири.

ОДАМДАН ТЕМИР АЗИЗМИ?

Муҳаммадибройим отанинг саксон ёшга тўлганларини эшитиб, муборакбод этгани хонадонларига бордим. Анчагача сухбатлашдик. Буни қарангки, у киши бирор марта ҳаётдан, турмушдан, баъзан бўлиб турадиган ноҳакликлардан шикоят қилганларини эшитмадим. Тўғри, ўтмишни эслаб ҳикоя қилганларида икки-уч марта кўзлари намланди. Лекин, икки гапнинг бирида ўзингга шукр деб қўярдилар.

...Муҳаммадибройим Холвой қўрғонда Тўланбой, Миталбойларда корандалик қиларди. 1931 йилда «Пятилетка» колхози ташкил топган ва унга Мухиддинхон Маликов раис қилиб сайланган эди.

Муҳаммадибройим дўсти Маматқул билан колхозга киришди. Икки йил ишлагач, ғайратли йигитни трактор ҳайдовчилар курсига юборишди. Қайтиб келиб, ўша вақтдаги «Жондир» тракторида, орадан тўрт йил ўтгач «Унверсал» тракторида ишлади.

Унинг меҳнатсеварлиги, тантилиги шуҳрат келтирди. Ҳалол меҳнати эвазига Бутуниттифоқ кўргазмасига борадиган бўлди. Енида бирор ҳужжати йўқлигини билган район Кенгашининг масъул котиби Саидкарим Қувондиков илтимоси билан йигитга вақтинчалик паспорт ёзиб беришди. Буни қарангки, йигитнинг Москвага боришини билган ходимлар исмини «таҳрир» қилиб Мадибройим Абдурахимов деб ёзиб қўйишибди. Ўша-ўша Муҳаммадибройим Мадибройим бўлиб қолди.

Кейинчалик Мадибройим ота трактор ҳайдашга яроксиз бўлиб қолиб отбоқарлик қилди, сут-ёғ заводида коровул бўлди, ремонт-қурилиш участкасида аравакашлик қилди. 1971 йилда пенсияга чиққанда бор-йўғи 30 сўм 50 тийин нафақа тайинлашди. Нега, деб ҳайрон бўляпсизми? Бу ҳам ўша вақтдаги конун бўйича. Колхозда ишланган вақтда пул тўланмаган меҳнат кунига дон берилган, пул чиқадиган бўлса заёмга ушланган. Қисқаси 18 йил текинга ишланган.

Бир пиёла чой баҳона отахон билан суҳбатлашган чоғимизда бирор кишидан гина-кудрат қилмадилар. Идорама-идора юрганларида ҳеч бўлмаса уруш йилларидаги шавкатли меҳнати учун медалини, «Меҳнат фахрийси» нишонини олган бўлардилар-ку. Буни қарангки, кўп жойда ўша «Унверсал» тракторини бугун ҳурмат шоҳсупасига кўтариб қўйишибди. Байрамлар олдидан шу темир тракторга пардоз бериб бўяб қўйишади... Лекин ўша, темирни бошқарган ориятли, кўлу кўнгли очиқ, камтарин ҳазрати инсон тракторчининг аҳволидан ҳар доим ҳам хабар олинмайди.

А. МАҲМУДОВ,
Пискент райони.

ҚЎШНИНГИЗДАН ЎРГАНИНГ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти, нарх-навонинг эркин тус олиб тобора кўтарилиб бораётганлиги меҳнаткашлар моддий аҳволини яхшилаш учун муайян ишлар қилишни тақозо этмоқда. Жойларда барқарорлик ва ишонч вазиятини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этмоғи зарур.

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё район қўмитаси ҳам меҳнаткашлар манфаати йўлида бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда, хайрли ишлар қилаяпти. Қўмита аъзолари бозор иқтисодиёти шароитида айниқса ишсизликка барҳам бериш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида изланмоқдалар. Ҳозирда районда 9 минг нафардан ортиқ ишсиз рўйхатга олинган, улардан 4 мингги ишга жойлаштирилди.

Нарх-навонинг ошиши оқибатида бекор юрган аҳоли қатламини ишга жойлаштириш муаммолари қўшимча ишчи ўринларини ташкил этиш заруратини келтириб чиқармоқда. 36, 38, 42-махсус механизациялаштирилган кўчма колонналар, 2-қишлоқ қурилиши комбинати каби ташкилотларда 200 га яқин ишчини қабул қилиш режалаштирилмоқда. Районда мева-сабзавотни қайта ишлаш кичик корхоналари, таъмирлаш юмушларини адо этадиган 2 та ширкат ташкил этилаяпти. Бу корхоналарда ҳам 150—200 нафар йигит-қиз ишга қабул қилинади.

Халқ депутатлари район ижроия қўмитаси ва деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси район қўмитаси ўртасида тузилган меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид битим янгича муносабатлар ўртасидаги муҳим қадам бўлди. Битимга киритилган 25 га яқин талабларнинг амалга оширилиши бозор иқтисодиёти салбий оқибатларини тугатишга, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза негизини яратишга кўмаклашмоқда. Жамоа шартномаси ва битимлар меҳнаткашларни ҳимоя қилишнинг асосий воситасидир.

Қасаба уюшмаларининг кўпгина тармоқ қўмиталари хўжалик маъмуриятлари билан келишиб оширилган компенсациялар тўлаш, ишчи ошхоналарида овқатланиш, ижтимоий, маданий-маиший объектларнинг сарф-харажатларини қоплаш учун зарур маблағлар қидириб топишди. Айни пайтда райондаги барча жамоалар фуқароларга 100 сўмдан товон тўламоқда. «Малик» давлат хўжалиги (директори Э. Мавлонов, касаба уюшмаси қўмитаси раиси И. Йўляхшиев) ишламаётган нафақахўрларга 100 сўмдан товон пули тўлаяпти.

Сирдарё гуруч ишлаб чиқариш заводида (директори Ш. Муҳаммаджонов, касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. Худойбердиев) товонлардан ташқари ойлик маошлар ўрта ҳисобда 80 фоиз оширилди, натижада ишчиларнинг ҳар бири 140 сўмдан қўшимча пул олиш имкониятига эга бўлди. Заводда ишловчиларнинг тушлик овқати бепул. Ишчи-хизматчиларга санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик саёҳатлар йўлланмалари корхона ҳисобидан ажратилаётир.

Ильич номли жамоа хўжалиги (бошқарув раиси А. Абдураҳмонов, касаба уюшмаси қўмитаси раиси И. Эсонтурдиев)да ҳам бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни социал ҳимоя қилишда мақтовга сазовор ишлар қилинаётир. Хўжаликда аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда, оналар, болалар, нафақахўрлар, кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилашда ибратли тадбирлар амалга оширилаётир. Хўжалик ҳудудида 75 ўринли шифохона, 4 та фельдшер-акушерлик пункти мавжуд. Шифохона қошида янги поликлиника, беморлар учун сауна қурилаяпти. 1991 йили хўжаликда 120 нафар киши санаторий, дам олиш уйларида ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтди. Жамоа ҳисобидан хўжалик аъзоларига 2400 сўм иқтисодий ёрдам уюштирилди, нафақалар оширилди. 7 та ногиронлар истиқомат қиладиган хонадонлар таъмирланди. Жисмоний тарбия ишлари учун 4900 сўм маблағ сарфланди. 126 та оилага уй-жой қуриш мақсадида 22,9 гектар ер ажратилди.

Аммо баъзи касаба уюшмалари қўмиталари ва хўжаликлар маъмуриятлари меҳнаткашлар манфаати йўлида суст ҳаракат қилмоқдалар. «Ўзбекистон», «Коммунизм» жамоа хўжаликлари, «Шоликор» давлат хўжалиги, қатор қурилиш ташкилотларида шундай ҳолни кўриш мумкин.

Қасаба уюшмалари қўмиталари хўжалик, ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш имкониятларини излаб топишлари, бу маблағларнинг тўғри тақсимланишини назоратга олишлари, бошқа сарф-харажатларга оид масалаларни ҳал этишлари зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик хўжалик раҳбарлари фойда кетидан қувишиб, ишлаб чиқариш тўғрисида, иш шароити ва меҳнат муҳофазаси ҳақида кам ғамхўрлик қилмоқдалар. Деҳқончилик саноати уюшмасига қарашли корхоналарда 1020 нафар киши, жумладан 230 нафар хотин-қиз етарлича шароит яратилмаган участкаларда меҳнат қилмоқда. «Сирдарё», «Шоликор» давлат хўжаликлари марказий таъмирлаш устахоналарида ҳамда чорвачилик фермаларида, «Коммунизм» жамоа хўжалиги, 36, 38, 42-махсус механизациялаштирилган колонналар, 2-автобазадаги шароитлар талабга жавоб бермайди. Оқибатда турли кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда.

Қасаба уюшмалари қўмиталари бозор иқтисодиёти даврида меҳнаткашларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланишлари, улар фуқароларнинг эртанги кунга ишонч билан қарашлари учун ҳамма имкониятларни ишга солишлари лозим.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ.

Зирахон Маматназарова болаларим, уйим-жойим, деб ҳеч тиниб-тинчимайдиган аёллардан. Ахир, 12 болани камолга етказишнинг ўзи бўладими? Шунинг учун ҳам Зирахон ая далаю даштни макон этиб, фарзандлари кўмагида Фарғона районидаги Ильич номли жамоа хўжалигида чўпонлик қиладилар. Ҳозир унинг отарида 660 бош қўй-қўзилар бор. Хўжалик раҳбарияти, касаба уюшмаси ташкилоти бош чўпон Зирахон опанинг меҳнатларини қадрлайди.

Суратда: Зирахон опа қизи Юлдузой билан.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Кичик корхоналар кўпаймоқда

● ҚИЗИЛТЕПА районидаги «Бухоро» жамоа хўжалигида қурилган цех темиртерсаклардан чўян панжаралар ишлаб чиқаришга киришган эди.

Айни кунларда жамоа хўжалиги аъзолари йилига 50 минг банка маҳсулот тайёрлайдиган консерва цехи, мева-сабзавот қуритиш кичик корхонаси, тегирмонлар қуришга тараддуд кўрмоқдалар.

Райондаги қурилиш ва таъмирлаш, мебель тайёрлаш корхонаси ҳам ўз маҳсулотлари билан буюртмачиларни мамнун этаяпти.

Кичик корхоналар тармоғининг кўпайиши райондаги ишсизларни иш билан таъминлаш ва маҳсулот нобудгарчилигини олдини олишга имкон яратмоқда.

Баҳодир ЭГАМОВ,
Навоий вилояти.

Майманоқ оҳаги

● УЛЬЯНОВ районидаги Майманоқ қишлоғи жойлашган тоғ ён бағридан оҳакбоп тошлар заҳираси топилди.

Шу туфайли бу ерда район саноат комбинатининг оҳак ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсата бошлади. Цехда йилига 600—660 тонна хом ашё тайёрланаяпти. Ҳозиргача буюртмачиларга бир неча юз тонна сифатли оҳак сотилди. Боймурод Шодмонов бошлиқ цех жамоаси ҳафтасига 40—50 тонна оҳак пиширмоқда.

Оҳакка бўлган талабнинг ошганлиги ҳисобга олиниб, хумдонларни кенгайтириш ва қўшимча хумдонлар қуриш режалаштириляпти.

Жўра ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти.

ДАРОМАДИ ХАЙРИЯГА

Ўзбекистонимиз ҳаритасига назар ташласангиз транспорт воситалари қатнайдиган йўлларнинг бир-бирига уланиб кетганлигига кўзингиз тушади.

АЙНИҚСА, автомобиль йўлларининг поёни йўқ, улар юртимиз вилоятларини, шаҳар ва қишлоқларини кон томиридай чирмаб олган, қўшни республикаларга туташиб кетган. Бу йўллар йўловчиларнинг олисини яқин, оғирини енгил қилишга хизмат этади, автотранспорт қатновининг равон ва бехатар бўлишини таъминлайди.

Биргина Қарши шаҳрининг шоҳбекати 1991 йилда икки миллиондан ортиқ йўловчига транспорт хизмати кўрсатди. Йўловчиларга сотилган чипта пуллари ҳисобига 400 миллион сўмдан зиёд даромад қилинди.

Бу ютуқларни қўлга киритишда шоҳбекатда хизмат қилаётган 70 кишидан иборат кўпмиллатли иноқ жамоанинг ҳиссаси каттадир,— дейди шоҳбекат директори Раҳмат Ихлосов, жамоамиз уч йилдан буён хўжалик ҳисобида ишлаяпти. Бу айни вақтда режани ошириб адо этишни таъминлаш билан бирга ташаббускорликни оширмоқда. Хўжалик ҳисобига ўтишдан олдин хизматчилар сони 12 фоизга қисқарган эди, бу тадбир иш ҳақини икки баробар ошириш имконини берди. Режани уддалаган ходимларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот пули мунтазам бериб бориляпти. Пешқадам хизматчиларга, меҳнат фахрийларига санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда.

Энг асосий ишимиз йўловчилар учун қулайликлар яратишдир. Жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари, собиқ афғон жангчилари учун алоҳида чиптахона очдик. Чиптахоналардан исталган йўналишга бир ой муддат илгари чипта олиб қўйиш мумкин. Шоҳбекатда сартарошхона, суратхона, видеосалон, пойафзал созлаш устахонаси, турли ўйин аттракционлари, ёш болали оналар учун алоҳида дам олиш хоналари очилди.

Нарх-наво кўтарилиб, эркин тус олаётган ҳозирги иқтисодий танглик вақтида хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ходимларимизнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитларини яхшилаш учун зарур ёрдамлар уюштираяпмиз. Ҳар бир ишловчига ойига 100 сўмдан тушлик пули тўлаяпмиз. Кўп болали оналаларнинг ҳар бир фарзанди учун давлат томонидан тўланадиган товондан ташқари 40 сўмдан қўшимча ёрдам пули бераяпмиз. Хайрия фондимиз ҳисобидан қарияларга, Қаршидаги болалар уйига моддий ёрдам кўрсатяпмиз.

«Нархларни либераллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарор асосида шаҳарлараро автобус маршрутларида йўловчиларни ташиш ҳақи оширилиши муносабати билан биз олаётган даромад ҳам ошаяпти. Даромадга қараб буромад, деганларидек топган маблағимиз ҳисобидан шоҳбекатни кенгайтириш, таъмирлаш ишларини амалга ошираяпмиз. Шунга биноан автомашиналарни ювиш, пайвандлаш ва вулканизация цехларини бунёд этаяпмиз. Келажакда 60 ўринли меҳмонхона қуришни мўлжаллаяпмиз. Нимани иш қилаётган бўлсак ҳаммаси йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадига хизмат қилади.

Баҳром УМИРОВ.

- 2,6 МИНГТА КОМПЬЮТЕР ЎРНАТИЛДИ
- 40 МИНГ СЎМЛИК СОВҒА
- ИСТИҚБОЛ ҚУЛИБ БОҚАЯПТИ
- ЁРДАМ ПУЛИ — ҲАММАГА

„Вариант"

МАЪРИФАТГА ЧОРЛАЙДИ

ТЕХНИКА назорати бўлими инженерлари Инна Кузнецова билан Юрий Аронов ҳозиргина Болгариядан етиб келган компьютерларни бирма-бир кўздан кечириб, фойдаланиш учун қабул қилиб олдилар. Компьютерларда Правец шаҳридаги микропроцессорли техника ва технологияни ишлаб чиқарувчи фирманинг муҳри бор эди.

Фирма компьютерлар ишлаб чиқаришни 1988 йил бошларида ўзлаштирган эди. Ўша йили кузда эса фирма бош директорининг ўринбосари Огнян Стонеев билан бош бухгалтер Цветан Бошков Тошкентга ташриф буюришди. Дўстларимиз Ўзбекистон мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини компьютерлаштиришга кўмаклашиш истаги билан келган эдилар. Таклиф дарҳол қўллаб-қувватланди. Иккала республика вакилларида қўшма корхона яратиш иштиёқи туғилди.

Ўша кезларда чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилаётган эди. Маърифатга чорловчи «Вариант» қўшма корхонаси уларнинг тўнғичи бўлди, десак хато бўлмайди. «Вариант» Болгариянинг Правец шаҳридан юборилган компьютерларни бизнинг ўқув юртларда монтаж қилиш, ишга тушириш, уларни бошқарувчи кадрларни тайёрлаш билан шуғуллана бошлади.

— Эсимизда, дастлабки 11 та компьютерни 1988 йил декабрда Марғилондаги болалар уйига совға қилган эдик, — дейди «Вариант» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Людмила Борисовна Солодниченко. — Уларни пулга чақсангиз 40 минг сўм бўлади. Мутахассисларимиз бориб ўқув аппаратларини маҳсус синфга ўрнатиб, ишлатиб келишди. Ўқув базамизда таълим олаётган ўқитувчиларнинг бири болаларга компьютерда ишлашни ўргатишга бел боғлади. Шу тариқа математика, физика, жўғрофия, инглиз, рус, ўзбек тиллари ва информатикадан дарслар компьютерларда олиб бориладиган бўлди.

— Балки эсларсиз, ўтган уч йил давомида республика бўйича нечта компьютер ўрнатилди? — сўрайман Людмила Борисовнадан.

— Республика мактаблари, олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳозир бизнинг мутахассисларимиз ёрдамида ўрнатилган қарийб 2,6 мингта компьютер ишлаб турибди. Уларнинг 85 фоизини Правец фирмаси етказиб берган. Фирмага 6 та завод қарайди. Уларда 1200 киши ишлайди. Шу заводларнинг биттаси фақат Тошкент учун компьютерлар тайёрлайди. Қолганлари Россиянинг бешта шаҳрига ўз маҳсулотларини юборади. Бу шаҳарларда ҳам «Вариант»га ўхшаш қўшма корхоналар ишлаб турибди.

— Биз компьютерларни бошқара оладиган мутахассислар тайёрлашда ҳам собиқ СССРга катта ёрдам кўрсатяпмиз, — суҳбатимизга қўшилди Правец микропроцессорли техника ва технология ишлаб чиқарувчи фирманинг Тошкентдаги бош вакили Андриан Георгиев. — Дастлаб Тошкентдан ҳам тўрт киши Правецга бориб ўқиб келди. Сўнг улар «Вариант» қўшма корхонаси ҳузурида очилган ўқув базасида йўриқчи бўлдилар, республиканинг турли шаҳарларидан келган ўқитувчиларга компьютерларни бошқариш йўлларини ўргатдилар. Шу тариқа дарсларда компьютерларни бошқариш йўлларини ўргатдилар. Шу тариқа дарслар компьютерлашган синфларга кўчди. Энди биз шахсий компьютерлар, автомат ўйинчоқлар, телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга ҳам киришяпмиз. Шу йилнинг биринчи ярмида 5 мингта шахсий компьютер аҳолига сотилади.

— Ўқув юртларида компьютерларнинг кўпайиб бораётганлиги яхши. Лекин улар бузилиб қолса ортиқча юк бўлмайдими?

— Йўқ, бузилган компьютерларни тузатиб берадиган махсус марказларимиз бор, — суҳбатни давом эттирди Людмила Борисовна. — Бундай марказлар Бухоро, Жиззах ва бошқа йирик шаҳарларда ишлаб турибди. Уларнинг энг каттаси ўз корхонамизда ташкил этилган. Марҳамат, усталаримиз иши билан танишишингиз мумкин.

Тузатиш устахонасига киришимиз билан кўзимиз цех тўрига қўйилган ёшгина йигитнинг катталаштирилган расмига тушди. Олдинига Афғонистонда ҳалок бўлганмикан, деб ўйладик. Йўқ, якинда юрак хасталигидан вафот этган созловчи Димитрий Кувалдин экан.

— Ажойиб уста, самимий дўст эди, — деди созловчи Шуҳрат Биловов. У жамоамизнинг фахрий аъзоси бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам расмини цех тўрига осиб қўйдик.

Шуҳрат Тошкент темир йўл техникумининг радио-алоқа бўлимини тамомлагач, олдин темир йўлда, кейинроқ метрополитенда катта механик бўлиб ишлади. «Вариант» очилгач, мутахассислиги тўғри келиб бу ерга таклиф этилди. Ҳозир корхона касаба уюшмалари қўмитаси аъзоси, ишлаб чиқаришнинг қўли гул созловчиси.

— Бош директоримиз Илья Евгеньевич Субботник ишчилар қадрига етадиган раҳбарлардан, — дейди Шуҳрат. — Ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қандай таклиф билан кирсам, ҳаммасини ижобий ҳал қилади. Кузда ҳар бир ишчига қишга сабзи, пиёз, картошка сотиб олсин деб 800 сўмдан пул улашдик. Газета ва журналларга обуна бўлсин деб яна 120 сўмдан бердик. Ҳозир тушлик овқат пули деб ҳар ойга 120 сўмдан тарқатяпмиз. Ишга корхона автобусида келамиз ва кетамиз. Бундай меҳрибончилик қаерда бор. Шунинг учун ҳам ҳар бир созловчи унумли ва сифатли ишлашга ҳаракат қилаяпти. Иш унуми ошган сари маошимиз ҳам ошиб боряпти. Ҳозир ўртача 1500 сўмдан оляпмиз.

Цехда ремонталаб компьютерлар кўп эмас. Энг мураккаб тузатиш ишларини ишлаб чиқариш бошлиғи Всеволод Чулков бажараяпти. Созловчи-мухандислар Азат Магияров ва Тўйчибек Налибоевлар ҳам нозик жараёнларни моҳирлик билан бажаришаяпти. Азат Тошкент техника дорилфунунини 1988 йилда тамомлаб келган. Тўйчибек эса шу олий билимгоҳнинг 4-курсида ўқияпти. Бошқа созловчиларнинг ҳам маҳсус маълумоти ва тажрибаси бор. Улар қўлидан ҳар қандай нозик аппаратларни ҳам заводдан янги чиққандек қилиб тузатиб бериш келади. Шу боисдан бўлса керак ўтган уч йил мобайнида мижозлардан бирорта ҳам норозилик хати тушмади. Корхона бутун республикага машҳур бўлиб кетди.

Ўқув жараёнларини компьютерлаштириш истаги бўлса Сирғали районида жойлашган «Вариант» совет-болгар қўшма корхонасига мурожаат қилаверинг. Бу корхона сизга ишончли шерик бўла олади. У барчамизни маърифатга чорлайди.

Жасур НОСИРОВ.

*** Болгария Республикасининг Правец шаҳридаги микропроссессорли техника ва технология воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирма шуҳрати жаҳонга ёйилган. Ўқув юртларида компьютерлаштирилган синфлар ташкил этиш ғояси дастлаб шу корхонада туғилган эди. Келишувга мувофиқ болгар дўстларимиз Ўзбекистон ўқув юртларини ҳам компьютерлар билан таъминлаш вазифасини ўз зиммаларига олдилар. Шу асосда «Вариант» совет-болгар қўшма корхонаси ташкил этилди. Суратда: фирманинг Тошкентдаги бош вакили Андриан Борисович Георгиев (чапда) ва корхона бош директори Илья Евгеньевич Субботник навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқдалар.**

Суратқаш Жўра БОБОРАҲМАТ.

ОДОБНОМА ДАРСЛАРИ

Вилоят маданият бошқармаси, «Билим» жамияти ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда одобнома дарслари ўтказишни йўлга қўйдилар. Дарслар вилоят маърифат уйидаги 500 кишилик муҳташам залда ўтказилмоқда. Навбати билан ҳар бир дарсга юқори синф ўқувчилари жалб қилинмоқда.

Ўтган жумада ўтказилган дарс Андижоннинг миллий урф-одатлари ҳақида бўлди.

— Дарс соатларига «Улар ўта машҳур бўлмаган, лекин...» деган мавзуни ҳам киритяпмиз,— дейди муаллимлардан бири шоира Турсуной Содиқова.— Унда вилоятимизда яшаб ижод этган, этаётган санъаткорлар, шоиралар ҳақида сўз боради. Уларнинг фидойиликлари, меҳр-муҳаббатлари ҳақида ўқувчиларимизнинг билганлари маъқул. Дарсларимиз фақат лекциядан иборат эмас, масалан Андижоннинг миллий урфлари деган мавзуда биз «Наврўз» телефильмини намойиш этдик. Ундаги жуда кўп лавҳалар Андижондан тайёрланган.

Дарслар фақат шаҳарда эмас, кўчма тарзда вилоят районларида ҳам ўтказилиши мўлжалланмоқда.

БУЗНИНГ ҲАМ ЎЗ АТЛАСИ БОР

Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг Бўз районидаги бўлими ишга тушди. Ҳозирча 100 нафар тўқувчи иш билан таъминланди. Уларнинг уч-тўрт нусхадаги дастлабки маҳсулотлари дўконларга чиқарилди. Жамоа раҳбари Абдулла Олимжоновнинг айтишича, йил охиригача тўқувчилар сони 300 нафарга етиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам уч марта ортади.

Замира ХЎЖАМБЕРДИЕВА.

ҚАЛАМКАШЛАР ИХТИРОСИ

● «ЗАМОН сенга боқмаса — сен замонга боқ»— деган нақл бор халқимизда. Шунга амал қилган бир гуруҳ ромитанлик қаламкашлар бозор иқтисодиёти ҳукм қиличини қайраб турган бир пайтда бу оғир тангликдан чиқиш мақсадида қаламкашларга хос ихтирочилик хусусиятларини намоён қилдилар.

Район «Дўстлик байроғи» газетаси таҳририяти ҳузурида аҳолига тўловли хизмат кўрсатадиган «Дўстлик» ижодий бирлашмаси тузилди.

Бирлашма ижодкорлари ҳужжатларни машинкада босиб кўпайтириш, таржимонлик, илғорлар ҳақида варақ—саҳифалар тайёрлаш, кўрик-конкурслар учун матн (сценарий)лар ёзиш ва бошқа шунга ўхшаган ижод талаб қиладиган юмушлар билан шуғулланадилар.

Бу хайрли ишдан район меҳнаткашлари мамнун бўлишлари билан бир қаторда ижодкорлар ҳам кам бўлмаётирлар.

Н. РАЖАБОВ

ИШОНЧ

Соғлиғинг-бойлиғинг

Ҳассани ташланг, қаддингизни ростланг

Жанубий Оламушук адирлик бағрига жойлашган мўъжаз посёлка холос. Лекин уни бутун республикада. Ҳамдўстлик давлатларида танишади. Ҳатто умри бўйи пахтага сув тараб қўшни қишлоқни кўришга вақт тополмаган деҳқон отаму тонгги шудрингдан этаклари жиққа ҳўл бўлиб пахта теришни тақдир билган деҳқон онам ҳам танийди.

Оламушукнинг бундай машҳурлигига унинг саховатли бағри сабаб. Бундан 40 йил аввал саховати элга ошкор бўлган бу юртнинг. Нефть қидириб ерни пармалашаётганда 378-қудуқдан шифобахш сув чиқиб қолди. Текширувларда бу сув таркибида хлорид-натрий ва бром тузлари борлиги аниқланди. Мутахассислар фатво бергандан сўнг ундан тиббиётда фойдаланила бошланди.

Йигирма йилдан кейин — 1972 йилда эса Андижон вилоят физиотерапия шифохонаси қурилди. Ўша юз ўринли шифохонадаги Кавказнинг «Мациеста» сувидан устунроқ бу шифобахш сувдан не-не хасталиклар даволанмади дейсиз. Белангига айланган не-не одамлар бу ерда қадларини тиклаб хассасини четга ташлаб чиқиб кетдилар. Лекин Ўзбекистон ҳадсиз. Пахтазор кўп. Товони сув ўпиб, этаги шудринг шимганлар беҳисоб. Уларни қийнаётган хасталикларнинг эса тобора янги номлари кашф этиляпти: радикулит, вегетатив полиневрит, ревматоид, полиартрид, спондилез, сурункали сальпингит... хуллас бу сув тиббиёт аниқлаган ўн беш хил хасталикни ҳайдай олади.

Ўша юз ўринли шифохона қурилганига ҳам йигирма йил бўлибди. Вилоят шифокорлари келишиб, уни кенгайтириш зарурлигини айтишди. Маҳкамалар қарор чиқарди. Омборлар зарур молларни берди. Қурувчилар иш бошлади. Жуда қисқа фурсатда (бунақаси бизда кам бўлади) икки қаватли, ажабтовур кўримли, замонавий шифохона ишга тушди.

Қираверишдаги залда юмшоқ ўриндиқлар, тувакларда анвойи гуллар, кўзгудек силлиқ хонтахталарда янги газета ва ойномалар, йўлакдан ичкари юрсангиз шифобахш сув билан даволовчи кенг, ёруғ хоналар, ванналар, босим билан сув пуркайдиган душхона, шам ва электр қуввати билан таъсир этувчи махсус хоналар... энг муҳими чаққон ҳаракат билан юриб турган шифокорлар юзида меҳр, беморлар юзида мамнунлик, тузалишга ишонч.

Мен уларнинг бир нечтасини суҳбатга тортдим:

Муҳаммаджон Соҳибов — шифокор, шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Мен ютуқлар ҳақида гапирмай қўя қолай. Бу ҳар бир шифохонанинг зарурати. Битта хавотирланадиган жойим бор, шуни айтай. Сувимиз, биласиз, 40 йиллик. Шу кунда ундан тўртта ташкилот фойдаланаяпти. Булар: 100 ўринли «Пиллакор», 160 ўринли «Кончи» ва 100 ўринли «Октябрь 70 йиллиги» санаторий профилакторийси ва бизнинг шифохона. Мени фақат ҳеч нарса мангу эмас, сув шунақа сарфда тугаб қолса нима бўлади деган ўй безовта қилади. Сув олишимиз тобора қийинлашиб қоляпти. Биринчидан маълум навбатда, иккинчидан ҳажми ўлчоғлик. Мана бизнинг янги биномиз битди. Ҳар ойда 180 беморни қабул қила оламиз. Ўша беморлар йигирма тўрт кунда даволаниб кетишлари керак. Биринчидан, шифохона бўлгани учун йўлланмамиз бепул, иккинчидан, касаллик варақаси тўлаймиз. Учинчидан, бизга келадиган беморлар негадир тобора кўпайяпти. Ҳар ҳолда бўни биз шифокорлар дилдан ҳис қилиб турибмиз. Бор маҳоратимиз, меҳримизни қўйиб ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ҳам ёрдамини аямаяпти. Фахрийлар, қаҳрамон оналарга алоҳида эътибор берамиз. Агар сув етмай қолса нима бўлади?

— Бу хавотирни раҳбарларга ҳам айтганмисиз?

— Ўзлари билишади. Айтишларича, шу худудда яна бир шифобахш сув манбаи борлигини кончилар аниқлашипти. Фақат уни жуда катта қазиш ишлари олиб борибгина чиқариш мумкин экан. Битта шифокор сифатида ўша янги манбанинг тезроқ очилиши учун тилак билдираман. Ҳар қанча харажат, ҳар қанча меҳнат бўлса элюрт соғлиғини ўйлаб аямаслик керак. Ўшанда биз ҳозир хомаки режалаштирилаётган 60 ўринли қўшимча бино қурилишини ҳам ҳеч бехавотир тезлаштирсак ярашади.

Муножотхон Ўринова — ҳамшира:

— 13 йилдан бери ишлайман. Ҳамма мамнун. 24 кун ётиб даво топмадим деган одамни кўрмадим. Аҳмедова Тиллахон деган қўшним бор эди. Ўн йил турмуш қуриб фарзанд кўрмагач шу ерга келиб даволанди. Ҳозир уч болалик. Оламушук «мациеста»сининг шифобахшлиги бу. Ҳамма муолажа усулларимиз бор. Янги бино ишга тушиб ертўладаги муолажахоналар ёруғ, янги хоналарга кўчирилди. Фақат саунамиз йўқ. Лекин бош врачимиз шу муаммони ҳал қилиш, йўл ўрганиш мақсадида Жалолободга кетган шу кунда. Тиббиёт фанлари номзоди, Турдиали Норалиевдек одам бу ишни ҳал қилмай қўймайди.

Неъмат ота Мамадалиев — бемор, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси:

— 1942 йилдан 1947 йилгача ҳарбий хизматда бўлганман. Бел ва оёқ оғриғимни чамамда Владивосток ва Хабаровскдан орттириб келганман. Жанубий Оламушукда эса ундан қутулдим ҳисоб. Бу жой ҳар қандай олий санаторийдан қолишмайди. Кинохона, биллиардхона, қироатхона, шахмат-шашка, теннис ўйнаш хоналари бор. Менга айниқса ёққани шифохона ҳовлисида ўзбекча чойхона бўлди. Ўғил-қизлар, неваралар келиб девзирали ош қилиб, гурунглашиб кетишаяпти. Янгиликлардан бохабар бўлиб туришсин деб шифохонанинг ҳовлисига газета ва ойномалар дўкони ҳам очишган. Рости гап, бизни жуда иззат қилишади. Дўхтирлар эрталаб келиб оқ халатини кийишади-ю, «яхши ётиб турдингларми» деб хонамизга кириб саломлашиб чиқишади. Кўнгил учун ўлмоқ керак деган нақлни умрингдан барака топгурларнинг ҳаммаси эшитган чоғимда.

Бундай миннатдорликни бир йилда 2366 киши айтиб кетади. Буни таклиф ва мулоҳазалар битилган дафтар ҳам далиллаб турибди. Мамасултон Мамажонов, Саодатхон Ўринбоева, Иброҳимжон Усмонов, Раънохон Султонова, Зиёдахон Фозилова каби дарёдил кишиларимизнинг меҳнати самараси бу.

Шунақа. Жанубий Оламушук кичиккина маскан, лекин саховати бир олам.

Замира РЎЗИЕВА.

БИЛИБ ҚЎЙГАНИНГИЗ ЯХШИ

● Сутнинг шифобахшлиги ҳақида биринчи бўлиб Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида айтиб ўтган. У сут маҳсулотлари ва айниқса, эчки сути катта ёшдагилар учун энг шифобахш озиқлигини таъкидлаган. Қасал одамга сут ичирганда ҳўл мева, балиқ ва гўшт истеъмол қилинмасин, — деб ёзган буюк ҳаким.

* * *

● Қўричакни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашни дунёда биринчи бўлиб Клаудиус Эмиэнд амалга оширган. У 1736 йилда инглиз қироли Георг II ни муваффақиятли операция қилган.

* * *

● Минг йиллар муқаддам ҳозирги мексикаликларнинг авлодлари ўз болаларини заҳарли илон чақишига қарши эмлаганлар. Улар заҳарли илоннинг тишини суғуриб олиб у билан болаларининг билакларини тирнаб қўйишган. Бу усул ҳозир ҳам Мексиканинг айрим районларида сақланиб қолган.

* * *

● Европада биринчи кўз касалликларини даволайдиган касалхона 1805 йилда Москвада очилган.



ДАФТАРДАГИ ДИЛ СЎЗЛАРИ

«Табиб ёки дори-дармонлар эмас, балки ширин сўз, самимийлик ва меҳрибонлик кишига кўпроқ шифо бахш этади. Шифокор Йўлдош ака, ҳамширалар Азимахон, Ҳабибахон ва Тамарахонлар ўзларининг ширинсуханликлари билан тезроқ шифо топишимизга катта ёрдам беришди. Уларга самимий миннатдорчилик билдириб, ишларига ривож тилаймиз.

Шукур ОЛИМОВ, Ғайрат ОМОНОВ»

Бу дил сўзлари Жиззах шаҳар пахта тозалаш заводига қарашли санаторий-профилакторийнинг таклиф ва мулоҳазалар дафтаридан олинди. Шифохона юз ўринли, унда даволашнинг ҳамма турлари мавжуд. Бино ҳам, унинг атрофидаги боғ ва ошхона ҳам чиройли, кенг. Мебеллар замонавий. Ҳаммасидан ҳам муҳими — тиббиёт ходимлари малакаси, одамохунлиги. Бош врач Шавкатжон Собировдан тортиб фаррошгача — ҳаммаси беморларнинг, дам олувчиларнинг кўнглини овлай оладиган, дори-дармондан ҳам яхши муомала, беминнат хизматлари билан шифо бағишлайдиган кишилар.

Шифохонада ҳамма касалликлар, жумладан бод касалликлари яхши даволанмоқда. Бу ерга келган кишилар балчиқдан яхши фойда кўрмоқдалар. Нафас йўли, томоқ, қулоқ, бурун шамоллашидан оғриган кишилар ҳам соғайиб чиқиб кетишяпти. Айниқса, заводда кўп йил меҳнат қилган, ҳозир пенсияга чиққан ёки чиқиш арафасида турган фахрийлар бу ердан жуда мамнун бўлиб кетишяпти. Улар таклиф ва мулоҳазалар дафтарига шундай сўзларни ёзиб қолдиришибди: «Бизлар Улуғ Ватан уруши фахрийлари Бобоев Олмос, Эрбўтаев Дўстбек 1991 йил 11 ноябрдан 5 декабргача санаторийда дам олдик. Ҳамма ходимларга, шу жумладан Холматова Роҳатга раҳматлар айтамиз. Врачлар Эргашев Йўлдош, Собиров Шавкат, Маъмурова Зулфияларга ҳам чин юракдан миннатдорчилик билдирамиз».

Жиззах районидаги «Москва» жамоа хўжалиги кутубхоначиси Тўра Норчаева ўзи билан бирга дам олган Жумабоева, Аллабоева, Ҳошимова, Даминова, Қўшоқова, Афанасьева сингари аёлларнинг миннатдорчилигини қуйидаги сўзлар билан ифодалабди: «Санаторий бош врачи Шавкатжон Собиров, врач Йўлдош ака Эргашев, ҳамширалар, ошпазларнинг ҳаммасига катта раҳматлар айтамиз, уларга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз».

Биз ким билан гаплашмайлик, ҳамма санаторийдаги шароитнинг яхшилиги, овқатлар мазали ва тўйимлилигини алоҳида таъкидлади. Албатта, бунда шифокорларроли катта. Афсуски, вилоятда санаторийлар кўпмас.

Ҳозирги оғир даврда халқ саломатлиги йўлида жон қуйдиришдан ҳам хайрли иш борми?

Саминжон СУЛТОНОВ.

Суратларда: Бош врач Шавкатжон Собиров тажрибали врач Йўлдош Эргашев билан иш устида.

Санаторий-профилакторий биносининг умумий кўриниши.



Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Социал таъминот вазирлигининг етакчи мутаҳассиси Ҳулкар Файзуллаева жавоб беради.

Мен 11 фарзанднинг онасиман. Ёшим 42 да. Меҳнат стажим 20 йил. Пенсияга қачон чиқишим мумкин?

О. Ҳайдарова, Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони.

Талаб қилинган тўлиқ меҳнат стажига эга бўлган кўп болали оналар меҳнат пенсиясига 50 ёшдан чиқадилар.

Ёшим 52 да. 5 фарзандим бор ва 8 йиллик меҳнат стажига эгаман. Пенсияга чиқишим мумкинми?

А. Каримова, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз райони.

Қонунга мувофиқ 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, 8 ёшгача тарбиялаган ва камида 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлган оналарга қарилик пенсияси 50 ёшдан тайинланади.

Агар талаб этилган 15 йиллик стаж бўлмасдан, камроқ бўлган холларда 55 ёшдан тўлиқсиз пенсия тайинланиши мумкин.

Сизнинг стажингиз кам бўлганлиги учун пенсияга 55 ёшга тўлганингизда мурожаат этишингиз мумкин.

Ҳозирги ёшлар иттифоқи ташкилотида ишлайман. Бизларга ҳам компенсация тўланадими?

Ж. Раҳимов, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.

Ишчи ва хизматчилар, пенсионер ва талабаларга компенсация тўлаш ҳақидаги қарор 1991 йилнинг 1 апрелидан жорий қилинган. Бу қарорга асосан ишчи ёки хизматчи қаерда ва ким бўлиб ишлашидан қатъий назар компенсация пули асосий иш жойидан ойлик маош билан бирга мунтазам равишда тўланиши лозим.

Пенсионерман. Маъмурият билан икки йилга ишлаш учун шартнома тузганман, лекин шартноманинг муддати тугади. Яна икки йилга шартнома тузиш мумкинми?

К. Жуманиёзова, Хоразм вилояти.

Хизматчи вазифасида ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда фақат маъмурият ва касаба уюшмаси билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлсагина тўланади.

Шартномани қайта тузиш ёки тузмаслик маъмуриятга боғлиқ.

Ёлғиз онаман. Ўғлимга райсобес орқали 90 сўм нафақа оламан, лекин иш жойимдан 40 сўмлик нафақани тўлашмаяпти. Шу тўғрими?

Қ. Қодирова, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон шаҳри.

Ишлайдиган оналарнинг болаларига 40 сўмлик нафақалар фақат бошқа турдаги нафақа ёки пенсия тўланмасагина берилади.

Сиз ижтимоий таъминот органидан нафақа олганингиз учун иш жойингиздан 40 сўмлик нафақа тўланмаётганлиги тўғри.

Иш жойингиздан болангизнинг кийим-кечаги учун пул олишингиз мумкин. У ҳар кварталда 1 маротаба тўланади.

Бир неча саволлар билан мурожаат қилмоқчиман.

1.Келинойим 2 гуруҳ ногирони. Пенсия қайси миқдорда тўланади? Меҳнат стажи 15 йил.

2. Армия сафида хизмат қилган вақтда ногирон бўлиб қолса ва хизматдан қайтгандан сўнг вафот қилган боқувчининг болаларига қандай пенсия тайинланади?

3. Дугонам турмуш ўртоғи билан ажрашган. Бир боласи учун алимент олар эди. Ҳозирги вақтда эри пенсияга чиқиб ишдан бўшаган. Энди алиментни қаердан олади?

Л. Убайдуллаева, Тошкент шаҳри, Киров райони.

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги Фармонига асосан меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори 350 сўмни ташкил қилади. Фармон 1992 йил 1 январдан жорий қилинди. Демак, келинойингиз ҳам 2 тоифа ногирони сифатида 350 сўм олади.

2. Вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади. Ҳар бир оила аъзоси учун тайинланадиган пенсия миқдори 262 сўм 50 тийинни ташкил қилади.

3. Агар алимент тўлаб турган шахс ишдан бўшаса ва пенсия олса, алимент пули пенсиядан олиб тўланади.

Бунинг учун суднинг ижроия варақаси иш жойидан райсобесга топширилиши керак.

Бу ҳужжатга асосан алимент ҳар ойда уйга юбориб турилади.

Менинг ёшим 14 да. Бир қўлим иккинчисидан калтароқ. Менга пенсия тайинланиши мумкинми?

Ҳ. Содиқова, Тошкент шаҳри

Ҳавасхон синглим, Сиз шифокор кўригидан ўтишингиз керак. Шифокорларнинг хулосасига асосан сизга пенсия тайинланиши мумкин.

Менинг қизим туғилганидан бери юраги касал. Шифокорлар берган справка бўйича унга уйда қараб ўтирибман. Бизга нафақа ёки пенсия бериладими?

Т. Жоббергановa, Хоразм вилояти, Қўшкўпир райони.

Қизингиз шифокорлар кўригидан ўтиши керак. Агар касаллиги бўйича бу болаликдан ногирон деб топилса, болалар поликлиникаси тиббиёт хулосасини ёзиб беради ва унинг асосида қизингизга ногиронлик бўйича ижтимоий пенсия тайинланиши мумкин. Пенсиянинг миқдори 350 сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари бу пенсияга 60 сўм қўшимча сиз унга қараш билан банд бўлганингиз учун берилади ва бу давр иш стажингизга қўшилади.

Қизингиз 6 ёшга ҳам тўлмабди, шунинг учун унга ҳар ойда 80 сўм нафақа тўланиши керак. Бу нафақа отасининг иш жойидан, агар отаси ҳам ишламаса социал таъминот бўлими орқали тўланади. Бундан ташқари ҳар кварталда кийим учун пул тўланади.

Умумий стажим 37 йил, ўқитувчилик стажим 27 йил, ёшим 59 да. Пенсияга чиқишим мумкинми?

С. Нодиқов, Наманган вилояти, Чортоқ райони.

Сизга маориф ходимларига тайинланадиган кўп йиллик хизмат учун пенсияси белгиланиши мумкин. Бу пенсиянинг миқдори 350 сўмни ташкил қилади. Кейинчалик 60 ёшга тўлганингиздан сўнг меҳнат пенсиясига ўтишингиз мумкин.

Мен болаликдан 2-гуруҳ ногиронман. Жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлайман. Менга пенсия ва ойлик чекланмаган ҳолда тўланадими?

Н. Яхшиликов, Самарқанд вилояти, Пахтачи райони.

Барча ишлайдиган ногиронларга пенсия ва иш ҳақи тўлиқ миқдорда тўланади. Пенсионер қаерда ва ким бўлиб ишлаши аҳамиятга эга эмас.

АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

● Газетамизнинг 5-сонидаги «Биздан сўрабсиз» саҳифасида Тошкент районлик М. Аҳмеджоновнинг машиналарни олди-сотди қилиш ҳақида нотариал идорага тўланадиган бож ҳақидаги саволига берилган жавобда техник хатоликка йўл қўйилган, яъни мототранспорт харид қилиш — сотиш битимларини расмийлаштиришда 3 йилгача муддатли ҳар бир от кучи учун 100 сўм деб ёзилган, аслида эса бундай транспорт воситасини расмийлаштиришда от кучи (двигатель кучи) инобатга олинмайди.

Оила: Қувонч ва ташвишлар

ҚАЙНОНАЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ БОР...

ҲИСОБ-китобларга қараганда пойтахтимизда 8.732 та оила ажралишибди. 4.555 йигит-қизнинг характери бир-бирига тўғри келмапти. 100 никоҳга 54 та ажралиш тўғри келибди. Бунинг сабабини қаердан излаш керак?

Келинлик либосини илк бор кийган қизларимиз ўзга хонадонга не-не умидлар, не-не хаёллар билан қадам қўядилар. «Шу уйни обод қила оларманкаман, шу хонадоннинг суюкли соҳибаси бўла оларманкан?» — деган саволлар ҳар бир ёш келинчак фикрида чарх урса керак.

Албатта, бировнинг хонадонида ўзга кишилар билан тил топишиб яшаш осон эмас. Қайнона-қайнота хизматларини кўнгилларидек бажариш, ўзга уй шароитига мослашиш кишидан ақл-заковат, тадбиркорлик талаб этади. Мана шундай синовларга ҳозирги ёшларимиз тайёрмиканлар?

Менимча, оилалар бузилишига кўп ҳолларда баъзи ёшларимизнинг турмуш қуришга тайёр эмасликлари, уларнинг оила, бахт тушунчаларига енгил қарашлари сабаб бўлмоқда. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қайнона ва келин ўртасидаги муросасизлик ҳам оиладаги муҳитни тамоман ўзгартириб юбориши мумкин. Баъзи аёллар қайноналикни «жойига қўйиш учун» икки ёшнинг бахтига зомин бўладилар.

Бир оилани биламан. Қайнонанинг «зулми» катта келинни юрак хасталигигача олиб келган. Шу хонадоннинг кичик келини Нигорахон (исмлари ўзгартирилган) шундай дейди: «Қайнонам арзимаган нарсадан жанжал чиқарадилар. Сабзи тўғрашим ёқмаса идиш-товоқ, кирни кўнгилларидек ювмасам, хаммасини ҳовлига улоқтирадилар.

Кичкина ўғлим жиддий касалга дучор бўлган, унга ҳамиша эътибор керак. Кўпинча шу ўғлимга кўпроқ қараб ҳамма ишларимни қилишга улгуролмайман. Қайнонамга эса бу ёқмайди. «Илоё болаларингнинг боши касалдан чиқмасин!» — деб қарғаганлари-қарғаган. Турмуш ўртоғимга мен ҳақимда бўлар-бўлмас туҳмат гапларни гапириб ўтирадилар. Шундай «баҳс»лардан кейин орамизда жанжал бошланади. Турмуш ўртоғимга эса ҳеч нарса тушунтириб бўлмайди. «Онам ноҳақ бўлсалар ҳам уларнинг айтганлари мен учун қонун! Улар нима десалар шу бўлади» деб ўшқиради.

Нигоранинг бу гапларига қулоқ тутиб, ҳайрон қоламан: «Наҳотки ўша аёл олти фарзанднинг онаси бўлса? Ўз фарзандининг боласига касалликни раво кўрган одамни: «аёл, она» дейишга ҳам тилим бормайди.

Мен бу билан қайноналарнинг дилларини оғритмоқчи эмасман. Биламан, келинларда ҳам айб бор., лекин уларнинг арзимаган айбини, камчилигини ҳадеб юзларига солмасдан, йўл-йўриқ кўрсатишса яхши бўлмасмиди? Мана шундай можаролар оилаларнинг бузилишига эмас, ҳатто фожеага олиб келиши турган гап.

Яқинда бир мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ҳали ўттиз баҳорни ҳам қаршиламаган ёш келин ўз жонига қасд қилди. Мен у келинни яхши танир эдим.

Гўзал билан Аҳрор бир-бирларига кўнгил қўйиб турмуш қуришган эди. Уларнинг бахтли оиласига ҳамманинг ҳаваси келарди. Бу оиладаги тотувлик етти йил давом этди. Лекин нима ҳам бўлди-ю, Гўзал билан Аҳрор ўртасига совуқчилик тушди. Ҳар кунги урушжанжаллар уларнинг бир-бирларига бўлган самимий муносабатини тамоман ўзгартириб юборди. Эрининг ноўрин дағдағаси, қўл кўтариши, уйга маст келишига Гўзал ортиқ чидаб тура олмади ва ажралиш ҳақида судга ариза берди. Буни билган эри Гўзални уйдан ҳайдаб юборади.

Аҳрорнинг бундан кейинги ҳаттиҳаракатларини тушуниш қийин. У ҳар куни хотинининг ишдан чиқишини пойлар, Гўзалнинг ҳар бир қадамини кузатиб ҳоли-жонига қўймасди. Кунларнинг бирида эса, хотинининг иш жойига маст ҳолатда келиб, жанжал кўтаради, шунда ишхона раҳбарлари милиция чақиришга мажбур бўладилар.

Шу воқеадан сўнг Гўзалнинг тинчи батамом йўқолади. 15 кун ўтириб чиққан Аҳрор энди нима қилса ҳам, хотинидан аламини олиш пайига тушади. Бир куни у хотинининг уйига бостириб кириб, Гўзалга қўл кўтаради, унинг қўл-оёқларини бойлаган ҳолда машинага солади ва қайнонасининг иш жойига боради. Хотинини шу аҳволда қолдириб, ўзи «орани очиқ қилишга» кириб кетади. Жанжал устига қўл-оёқларини бир амаллаб бўшатган Гўзал кириб колади ва бўлиб ўтган воқеани онасига сўзлаб беради. Қуёвининг бундай қилмишига жавобан Гўзалнинг онаси Аҳрорнинг устидан милицияга ариза беради. Аҳрор иши юзасидан тергов бошланади. Кўзига ҳеч нарса кўринмай қолган Аҳрор бир неча бор хотинига телефон орқали дўқ-пўписа қилади: «Агар мени қаматсанг, чиққанимдан кейин сени ўлдириб кетаман!»

Энди ишга Аҳрорнинг ошна-оғайнилари аралашадилар. Улар Гўзал билан «тушунтириш бахслари» олиб бориб, уни аризани қайтариб олишга мажбур қиладилар. Гўзалнинг ўшандаги аҳволини фақатгина мана шундай камситишлар, ҳақоратлар, туҳматларни бошидан кечирган инсон тушуна оларди холос. Уни ўзини ўлдиришига шундай муҳит мажбур қилмаганмикан?!

Энди иккала томон ҳам бир-бирларига таъна тошлари отмоқдалар. Фарзандидан айрилган Гўзалнинг онаси ҳамма айбни қуёвига қўймоқда. Аҳрорга хотинини ўзини-ўзи ўлдириш ҳолатига олиб келган деган айб қўйилмоқда. Ҳозир унинг иши шаҳар прокуратурасида кўрилмоқда. Икки ўртада гулдай фарзандлар етим қолди. Гўзалнинг бевақт ўлимига ҳанузгача ишонгим келмайди. Қандай сабаб ёш жувоннинг умрини хазон қилди?

Ким ҳақ, ким ноҳақ. Буни энди суд аниқлаб беради. Лекин қачонгача ёш-ёш келинлар ўз жонларига қасд қиладилар, қачонгача уларнинг фарзандлари етим қоладилар, қачонгача оналарнинг диллари вайрон бўлади?! Қачонгача баъзи қайноналарнинг камситишлари, хўрлашлари, эрларнинг ҳақоратларига чидаш мумкин?!

Арзимаган сабаблар туфайли қанчақанча оилалар барбод бўлмоқда. Ахир бу — миллат фожиаси-ку?! Нима учун мана шу келинларнинг қайноналари, эрлари жавобгарликка тортилмай қоладилар? Нима учун ҳамма айбни келинларга юкламоқчи бўладилар? Тўғри, ўз жонига қасд қилганни ҳеч ким оқламайди. Лекин, мана шу фожеаларнинг олдини олиш мумкин эди-ку? Мана шу каби саволлар ичимни қийнаб келади, уларга жавоб топа олмай қийналаман.

— Ўз бахтинг ўз қўлингда — дейдилар. Шундай экан, турмуш машақкатлари қанчалик оғир бўлмасин, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, бир-биримизга самимий, сабр-тоқатли бўлсак, ўз бахтимизни асрай оламиз. Қайнонажонлар, илтимос ёшларнинг бахти ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўринг. Ахир ўзингиз ҳам бир пайтлар келин бўлгансиз-ку!

Ирода ШАМСИЕВА.

ЙЎҚЛОВЧИЛАР БОРЛИГИДАН ҚУВОНАДИ

ҚУШНИСИНИНГ ўғли армиядан келганини эшитиб, Қарима ая суюниб кетди. «Йигитлар армиядан қайтадиган вакт ҳам бўлиб қолибдими? Омон бўлгур соғсаломат ота-онасининг бағрига қайтибди-да, бош тошдан бўлсин!» дея дуо қилди. Ўз боласи сафардан қайтган онадай қўшнисининкига талпинди.

Қарима ая 1933 йилда Тошкент вилоятининг Назарбек қишлоғига келин бўлиб тушган эди. Турмуш ўртоғи Расул табиатан хушчақчақ, ок кўнгил инсон эди. Хўжаликда ҳисобчилик қиларди. Саккиз йил турмуш қилиб, тили «сен-менга» бормабди. Лекин шу орада уруш бошланиб, бутун орзулари чилчил бўлди, Расул ака урушга кетаётганда Вазира уч ёшли, Ҳалима эса уч ойлик гўдак эди. Ая Расул акани урушга кўзида ёши, дилида бардоши билан кузатиб колди.

Хотин-қизлар эртаю-кеч тиним билмай, урушда душманлар билан мардонавор курашаётган жангчиларга озиқ-овқат, кийим-кечак етказарди. Ая ҳам хўжаликда ишлади, урушнинг дахшатли йилларини эл қатори ўз бошидан кечирди.

1941 йилда Расул акадан учтагина хат келди. Борабора хатлар окими тўхтади. Уруш ғалаба билан тугагандан кейин ҳам Расул ака Девонакулов кишлоқка қайтмади. Аянинг мехрибон волидаси, қайнонаси бу орада оламдан ўтди. Эридан эса хамон дарак йўк. Ниҳоят уруш тугаганига тўккиз йил ўтгандан сўнг унга аза очди.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Фарзандларини улғайтириб, вояга етказди. Иккита кизини узатди-ю уйи ҳувиллаб колди. Лекин келин бўлиб тушган уйидан кетолмади. «Эшикдан кириб келиб колар...», деб Расулини кутарди. Ў эса йўк. Овунчоғи набиралари бўлди. Кизи Вазира учта киздан кейин ўғил кўрганда, онанинг кувончи ичига сиғмай кетди. «От ўрнини той босар», деганларидек, бирин-кетин туғилган неваралари аянинг кўнгил кемтикларини битказгандай эди. Бахтига неваралари тўғри сўз, одобли бўлиб улғайишди. Вазира опа — «Кахрамон она», 12 фарзанднинг, Халима опа эса 6 фарзанднинг онаси бўлишди.

Бир куёви Обидин Камолов И. Охунбобоев номли 8-ўрта мактабда ўкитувчилик киларди. Бирок бахт хеч качон тўкис бўлмас экан-да! Фарзандларининг тўйини кўрадиган дамда, у огир дардга чалиниб колди. Начора, ўлим — хак экан. Аяга Обиддин ака худди ўғилдек бўлиб колганди. Худо уни ҳам пешонага сиғдирмади.

Қалбинг озор чекканда, бошингга мусибат тушганда кўнглингга таскин берадиганинг — фарзандларинг, неваларинг. Ҳаётнинг ҳам кувончи шулар. Холида, Фарида, Азизалар уйли-жойли бўлишувди. Шукрким, тўйларига оталари бош бўлганди. шарофиддин уйланди. Хуршида, Дилфуза, Умида, Дилоромлар яхши жойларга келин бўлиб тушишди. Шахобиддин — талаба, Камолиддин, Зиёвуддин, Ғиёсиддин— мактаб ўкувчилари...

Карима аялар хонадони бошқа оилалардан фарқ киладн. Оилада мехр-окибат, муҳаббат мужассам. Оила аъзолари бир-бирини хурмат килади. Оилада яхши анъана бор. Назарбек қишлоғида Улуғ Ватан урушида халок бўлган хамқишлоқларга ёдгорлик ўрнатилган. Едгорликка бувалари Расул Девонакуловнинг ҳам исми-шарифи ўйиб ёзилган. Хар йили Ғалаба кунида оила аъзолари йиғилишиб, ёдгорлик пойига гуллар қўядилар. Шунда Қарима аянинг кўнгли таскин топади. Йўқловчилар борлигидан қувонади.

Ўрозгул АҲМЕДОВА.

«Сев, фақат сев,
Умрнинг ишқдан бошқаси хато!

Севолсанг, юрагинг зангори,
Осмон ҳам, тупроқ ҳам илоҳий ҳатто!

Сев, фақат сев,
Бешик дунёга айтиб алвидо!

Мағрур муҳаббатга бўлганча Мажнун —
Севолган — Фаришта,
Севилган — Худо!»

Оналарга маслаҳат

УЙИНГИЗДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ...

БОЛА туғилдими, уни биринчи кунларданок маълум бир аник тартибга кўниктириш керак: вактида овкатлансин, ухласин, очик ҳавога чиксин. Кейинрок эса ўтириш, юриш, кийиниш ва кўл ювишга иштиёк уйғонсин.

Болани тартиб-коидага ўргатаётганда хар доим у билан гаплашишга ҳаракат килинг. Унга ширин гапириб, мулойим кулсангиз, гўдак чехрасида ҳам илк табассум пайдо бўлади. Режимга риоя килсангиз, болангиз соғлом вояга етади.

Болани ўз вақтида эмизиш, ухлатиш мурғак организм фаолиятини тўғри йўлга солади. Фарзандингиз ўсган сари тарбия усуллари ҳам такомиллашиб бориши керак.

Бола туғилган кунидан то уч ойлик бўлгунча кунда етти марта эмизилади. Эмизиш вақтининг ораси кундузи уч соат бўлса, кечаси 6 соатни ташкил этади. Бола кундузи 1,5—2 соатдан 4 марта ухлаши керак, Тунги уйкунинг давомийлиги 9—11 соатдир.

Болани кунига кечки соат 7 ёки 9 да чўмилтириш зарур. Кундузи ҳам чўмилтириш мумкин. Фақат эмизилгандан сўнг орадан бир соатча вакт ўтган бўлиши керак. Боланинг тунги уйкудан уйғонишига караб уни эмизиш ўртасидаги танаффуслар ўзгариши мумкин.

Тунги уйку соат 19 дан 6 гача давом этади. Агар бола бир кунда 7 марта эмизилса, у хар эмизилгандан кейин 1,5 соат уйғок бўлади ва овкатланиш орасидаги вактнинг бир оздан кўпайишига инжиклик килмай кўника боради. Иккинчи ойнинг охирига бориб, вазни хам ортади.

Хаётнинг учинчи ойида эса она фарзандини бир кунда 6 марта эмизиш тартибига ўтиши мумкин. Боланинг илк уч ойлик хаётида она сутидан аъзорок овкат бўлмайди.

Бирок она кўкрагида сути кам бўлса, ёки бутунлай бўлмаса, таркиби кўкрак сутига бироз якин бўлган «Детолакт», «Малютка», «Симилак» сингари сунъий сутлардан фойдаланиш мумкин.

Агар бола рисоладагидек ривожланаётган бўлса, овкатининг бир кунлик хажми 800 грамм бўлиши керак. Шунингдек, боланинг вазнига караб 20 кунлигидан бошлаб 1—10 томчидан, кейинрок эса 50—80 граммгача олма пўчоғи кайнатмасини ичириш мумкин, чунки олма пўчоғиш бола ўсиши учун зарур бўлган минерал тузлар бўлади.

Умуман, гўдакнинг 1—1,5 ойлигидан бошлаб кирғичдан ўтказилган олманинг ширасини бир-икки томчидан бериб, сўнг уни бир кунда 30—40 граммга етказиш мумкин. Бола уч ойлик бўлганда яхшилаб кайнатилган туҳумнинг-сариғини кичкина ушогидан бошлаб, тўртдан бир кисмигача бериш мумкин.

Бола 3 ойликдан бошлаб 6 ойлик бўлгунча кунига хар 3,5 соатда 6 марта эмизилади. Тунги танаффус 6,5 соатдан иборат бўлади. Агар онанинг сути бола 3 ойлик бўлганда туйғазишга етмаса, «Малыш», «Витолакт» каби куруқ сунъий сутлардан овкат тайёрлаб бериш мумкин. Бола 4 ойлик бўлганда таркибида оксил моддалар ва кальций фосфор анча кўп бўлганлиги учун 20—40 граммдан творог бера бошлаш мумкин.

Бола 4—4,5 ойлик бўлганда эса унга илк марта картошка пюреси, карам ва сабзини қайнатиб бериш мумкин. Уларни болага, 130—150 граммдан алохида-алохида едириб кўниктириш керак. Масалан, олдин картошка пюреси; кейин карам пюреси ва хоказо. Картошка бола истеъмол қиладиган сабзавот пюрессининг умумий хажмининг ярмидан ошмаслиги керак.

Клара ФУЗАЙЛОВА,
болалар шифокори.

ЭЙ, БАХТАЙ ЙИГИТ

ЯХШИ қизга уйланган, хотиндан ёдчиган ҳар бир йигит адбатта бахтли ҳаёт кечиради.

Қизлар, келинлар, аёллар, келинглар, сиз билан биз йигитларга бахт ато этайлик. Бахтнинг чашмаси — оила! Оила — сизу бизнинг энг биринчи бахтимиз, борлиғимизни, қалбимизни иситадиган Қуёш. Майли, касбингиз жуда олийдир, майли билимингиз, талантингиз ноёбдир, кийимларингиз чиройлидир. Барибир, хаммасининг олдидан оила бахти ўтаверсин. Фарзандларингиз борлигидан, камолидан қувониб, эринчизнинг меҳри-муҳаббатига сазовор бўлиб яшаган кунларингизнинг бир дақиқасини, ҳа, таъкидлайман, бир дақиқасини тоғ-тоғ обрўлару мисқол-мисқол бойликлардан устун қўйинг, азиз сингилжонларим!

Яқинда Сурхондарё вилоятига йўлим тушганди, халқ судьяси бўлиб ишлайдиган бир дугонамни кўриб ўтай, деб идорага тўғри кириб бордим. Воҳ, эр-хотин жанжали устидан чиқибман. Мен дугонам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраяпману уларнинг жаги тинмайди. Ёшгина эр-хотин бир-бирига шундай сўзларни айтишяпти-ки, мен курсига чўкиб, беихтиёр уларга ҳайрат билан қараб қолдим.

Аёлнинг ёнида, тиззасида учта гўдак. Учовиям ота-онасига мўлтиллаб қарайди. Болаларнинг аҳволига дод деб юборгим келди. Аёл ясанган, қошига ўсма қўйиб, пардоз-андозни жойига қўйган. Эркак ҳам башанг кийинган. Ажралишларнинг сабаби — аёл уй ишларига улгурмай, кечки овқатни вақтида тайёрлай олмас экану эркак уй ишига ёрдамлашмас экан. Шу ҳам баҳона бўлди-ю!

Мен судья дугонамга «ёрдамлашиб», чучварани хом санаган думбул эр-хотинга тушунтира кетдим. Ниҳоят, улар бироз юмшаб, болаларини олдиларига солиб, бирга чиқиб кетишди.

Догистонлик шоир Фазу Алиевнинг ушбу тўрт сатр шеърини мен уларга ҳам айтиб бердим.

— Сени ким кўтарди бундай чўққига
Эй, бахтли йигит?
— Доно хотиним!
— Сени ким йиқитди чоҳнинг тубига.
Эй, бахтсиз йигит?
— Жоҳил хотиним!

Демак, эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам ўзимиз. Оила кўрғонини мустаҳкамлаб оламан деган аёл аввало эрининг табиатини (мижозини), хулқ-атворини, қандай муомиа ёқади-ю, қандайин мақбул эмас, билиб олиб, шунга мувофиқ муносабатда бўлса — олам гулистон.

Қўшним Сапурахон келинчакларга ҳазиллашиб, доим шундай дейди: «Ҳай, айланий, эрнинг юрагига, аввало ошқозон орқали йўл топасиз». Бу дегани кечки таом вақтида тайёрлансин, мазали бўлсин. Овқат пиширишдан ҳеч эринманг». Баъзан гўшт ёки бирон масаллиқ бўлмай қолганда ҳам ширингина таом ҳозирлаб, эрининг, болаларининг озғинга тутадиган аёлларга қойил қоламан.

Мен масалан, мақтанянти, деманг, илоҳим қўя тегмасин, эрга ҳурматни, оилага ҳурматни аввало рахматли мунис онагинамдан ўрганганман. Ўн олти ёшида журмушга узатилиб, 18 ёшида қўлида саккиз ойлик гўдаги билан дадажонимни Улуғ Ватан урушига кузаттан онажоним муттасил олти йил не жабру жафолар чекиб, дадамни кутгаллар. Ёада боғча болаларининг кирини ювиб, ҳовли супириб, қишда колхоз омборида лавлаги тозалаб мени боққанлар. Она-бола бир-ёмонламай, аксинча дадамни хурмат қилиб, севган таомларини пишириб, оғизга солса эриб кетадиган патирларни ёпиб, атрофларида парвона бўладилар. Ҳа, сабр-қаноат, яхши маъноданги сабр-қаноат — бу кўрқоқлик ёки мутъелик эмас, бу фазилат!

Аёлнинг овози майин бўлишини истардим. Майин овоз аёлнинг гўзаллигига белги, эрнинг жонига малҳам. Майин овоз қайнона-қайноталарга ҳам керак. Ўнлаб, балким юздаб келинлар қўлида боласи билан идораларга арз қилиб келадилар. Қайнона-қайнотанинг зулмидан, ноҳақлигидан эзилиб кетганликлари учун келадилар. Аёр кўпни кўрган ота-оналар фикр-мулоҳаза билан, меҳр билан оилани асраб қолиши, ёшларни йўлга солиш, ақалли ўз ўғилларини бахтиёр кўриш усулларини ўйлаб, ахтариб топишлари мумкин-ку. Шу ўринда келинлар ҳам қайнона-қайнотанинг ҳурматини жойига қўйиб, ибо, ҳаё билан яшасалар, овозлари майин, қадамлари чақкон, уйдагиларга меҳрибон бўлсалар қандай яхши!

Эрга бахт ато этишда ёзувчи Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносировачалик зукко аёл бормикан яна. Зарифа опа яхши она, рафиқа бўлиш билан бирга, бир умр ёзувчининг энг яқин ёрдамчиси, садоқатли дўсти бўлиб яшади. Ёзувчининг машаққатли меҳнатини юракдан тушунди. Ёзувчига бир пиёла чойи болганми, илиқ ва майин табассуми биланми, унинг елкасига қўйган ҳароратли кафти биланми, бир сўлим илҳом бахш эта олди. Яшаб, ишлашига шароит яратиб беролди. Меҳнатини улуглади. Асраб-авайлади. Ойбек вафотидан кейин унинг ҳамма қимматбаҳо сўзини тўплаб йигирма жилддик китоб чикарди.

Бу садоқатли аёл ўз соҳасининг ҳам билимдони эди. Кимёгар олима, профессор, қишлоқ хўжалиги институти ўқитувчиси, неча дарсликлар муаллифи эди. Ў қанча кўп ишласа-да, қанчалар машқур бўлса-да оддий кийинарди, оддий яшарди, овози майин эди.

Ойбекка туҳматлар, таъналар бўлган чоғларда ҳам Зарифа она унинг ёнида суянч тоғи, юпанч елпиғичи, меҳр ёғдуси бўлиб турди. Унинг қалбида ижодга муҳаббат уйгота олди. Булар оилада ўз вақтларининг қаҳли бир дақиқасини ҳам майда гаплару ориш жанжалларга эмас, эзгуликка, ижодга бағишлашди.

Арабларда «Ҳар бир улкан шахс ортида хотин бор», деган нақл мавжуд. Демак, аёл эрининг виждонига айланиб, уни ёмон ишлардан қайтариб, яхши, савоб ишларга ундаб тура олиш қудратига, салоҳиятига эга бўлсин. Буни биз сира-сира унутмаслигимиз керак.

Хаммانинг бахтли бўлишга ҳаққи бор. Бахтлилик эса энг аввало ҳар бир инсоннинг ўз қўлида...

Санъат МАҲМУДОВА.

Ассалому алайкум, келин салом!

Келин саломи. Мен ҳар гал қон-қонимизга сингиб, хатто алоҳида маросим тусини олган келин саломида иштирок этганимда, ажиб енгиллик, аллақандай ҳузурбахш ҳаволарни туяман. Бу ҳаволар ифтихор ҳисси ила қадим одатларимизга чексиз ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини уйғотади дилимда.

Талабалик йилларида шаҳри азимни бир муддат тарк этиб, она юрт томон энтикиб йўл олардим. Уйга кирган ҳамоно жигарбандларим бағрига сингиб кетардим. Меҳрибонларимдан ташқари ҳолам ҳам мени интизорлик билан каршилардилар. Ҳолам билан биз ҳаётнинг турли мавзуларида суҳбатлашардик. Бундай суҳбатларимизда, албатта, улар бўлажак келинларига атаб йиғаётган сепларини ёрдилар. Келининнинг эса ҳушфеъл, ҳушсурат бўлишини жуда-жуда орзулардилар.

Бир гал ҳоламни анча хорғин, мунгли кўздарида жиққа ёш билан учратдим. Айтишларича бир аёл қўлида йўргакланган боласи билан уйларига келиб, ўтириб олибди...

— Шунчалар бетакаллуф, беандиша келиним бўлади, деб ҳеч ҳаёлимга келтирмаган эканман,— дейдилар ҳолам бечора.

Ўшанда ҳам ота, ҳам она бўлиб ўғил ўстирган ҳоламнинг дардларини аритишга бир сўз топа олмай ҳайрон колгандим. Кўз олдимдан эса кечагина кўрганларим, саломнома оҳангларига мос равишда бош эгиб таъзимланаётган келин ўтарди...

Шунда тўй-тантанасиз, расм-русумсиз бола кўлтиклаб бемаврид бировнинг уйига кириб ўтирган кизларга нафратим минг чандон ошсада, уларга жуда ачиниб кетаман.

Севиб-севилиш, висол канчалар тотли бўлсада, у ўз урфимиз қадриятлари билан улуг ва гўзалдир.

Азиз кизларжон, Сизларга тонг ҳавосидек хушкайфиятлар ила оппок ойдин юз билан тушган хонадонингизга, аҳли базмга, колаверса бутун ўзбек халкига келин бўлиб, салом бериш насиб этсин!

Ассалому алайкум, келин салом!

Зебо АҲРОРОВА.

ҲИКОЯ

1944 йилда Тошкентда туғилган. «Эзгуликнинг туғилиши», «Совға», «Келин салом» ҳикоялар тўпламлари муаллифи. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти совриндори. Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Тошкент вилояти Калинин райони «Истиқбол» газетаси муҳаррири.

Ортиқали эшикни «ғийқ» этиб очиб, ичкарига кирди. Хотини диванда ястаниб, телевизор кўраётган экан. Юзини тескари бурди. Ортиқалининг юраги «шиғ» этди: яна жаҳли чиқибди. Ётоқхонага кириб, кийимларини алмаштириб чиқди. Ҳовлининг нариги бошидаги ошхонадан овқатини олиб келиб, қошиқ билан кавлаштира бошлади. У рўпарасида хўмрайиб ўтирган хотинига билинтирмай назар ташлаб қўяр, бурнини тортиб, овқатни тушираради.

— Ҳа,— деди хотини,— бугун ҳам автобус бўлмадими?

Ортиқали индамади. Индагани билан нима фойда? Барибир ишонмайди, ландавурсиз, дейди, жанжал чиқаради.

Қанақа эркаклар экан, гаҳ деса хотини қўлга қўнадиган? Уларнинг ортиқча жойи йўқдир. Ортиқали ҳам оёқ-қўли бутун, туппа-тузук одам. Фақат бир хилларга ўхшаб ўзини тирикчилик йўлида ҳали ўтга, ҳали чўққа уравермайди. Борига қаноат қилиб, тинчгина яшайди. Эрталаб хотинини безовта қилмай, аста ўрнидан турадида, бир пиёла чой ичса ичади, ичмаса йўқ, секин ишга кетади. Ишга бориб келишнинг иккита ҳижолатли томони бор. Биринчиси, кўчага чиқиб эшик тамбасини қайтадан қўйиш. Гурздек оғир тамба қурғурни энди қўйдим деганда оҳиста сирғанади-ю, ерга гуп этиб тушади. Ҳадеб шунақа бўлаверади.

— Қанақа эркаксиз ўзи? Шуни ҳам эплай олмасангиз?— бу, уйғониб кетган хотинининг овози.— Боринг, жонимга ҳам тегиб кетди. Аслида, «жонимга тегиб кетдингиз» дегани.

Ортиқали пальтоси ёқасини кўтариб олиб, букчайган михдай энгашиб, уйдан узоқлашади. Бу вақт хотини иссиқ ўринга киради-да, тўнғиллайди:

— Мулла мисрнинг тиними йўқ, қилган ишининг унуми йўқ, ландавур.

Ортиқалининг ҳижолат бўладиган иккинчи томони, ҳар куни ишдан келаётганида автобус кутиб, хотинидан гап эшитишидир. Хотинига яхши, уйга яқин жойда ишлайди. Унча-мунча шаҳарга борадиган бўлса, автобус кутиб ўтирмайди. Такси ёллайди-қўяди. Шунинг учун йўл азобини ҳам билмайди. Ортиқалининг таксига тушишига йўл бўлсин. Хотини ҳар куни қўлига пулни тийинлаб санаб беради.

— Ҳа-а-ап-шу!— аксирди Ортиқали. Бир қўли силкиниб косага тегдию, стол устидаги шўрвани гиламга тўкиб юборди. Ортиқали қимирласа, бомба портлаб кетадигандек, қошиқни ушлаганча жойида қотиб қолди.

— Овқатни ҳам эплаб ичолмасангиз, ичириб қўйиш керак. Туринг ўрнингиздан. Боринг, шимни ювиб чиқинг. Тўхтанг, аввал гиламни артинг.

Ортиқали эски сочиқ билан гиламни обдон тозалади. Кейин пешайвонда шимини юва бошлади. Совуқ жонжонидан ўтиб кетди. Шкафдан кўчалик шимини кийиб чиқиб, кароват четига чўкканичa хўрлиги келди. Қандай бахтли эркаклар бор. Хотини овқатлантириб, ишга кузатади. Салом бериб, кутиб олади. Ортиқалининг фаҳмлашича, ўзининг ўшалардан яхшироқ тарафлари бор. Масалан, ичмайди, чекмайди, ёмон йўлга юрмайди.

Бир куни хотини янги келинлигида унга, «сиз ҳам эркакларга ўхшаб қаттиқроқ гапиришни ўргансангизчи» деганида буни ҳазилга йўйганди. Кейин билса, аслида хотини шундайларга озроқ ҳавасманд экан. Ортиқали нима қилсин, бунақа бўлиш қонида йўқ. Қайси юз билан қаттиқ гапиради. Хотини ундан икки баравар кўп пул топади. Обрўси ҳам баланд, данғиллама участка ҳам хотиннинг номида.

Эшик тақиллади. У, уйда бўлса турган гап, хотини эшик очмайди. Шунинг учун эшик томон юрди. Ортиқалининг рўпарасида озғин, шляпа кийган, у юзи бу юзига ёпишиб кетган, папка кўтариб олган киши турарди.

— Электросетданман. Счётчикни текшириб кетай.

Ортиқали индамай йўл берди. Унга барибир эмасми? Нега деганда бахтига хотини бор. Қўшни эркаклар шу одам келганда хушомад қилишса, унинг парвойи палак. Қандай яхши, юраги шиғ этмайди. Демак, ҳаяжонланмайди. Бу дегани узоқроқ яшайди. Хотини ўрнидан туриб, электр тармоғи ходимига оппоқ тишларини кўрсатиб, жилмайиб қўйди. Буни кўрган Ортиқалининг серажин юзи ёришиб кетди. Хотини гўзал, хотини яшашни билади. Шу хотини-да, уйни уй қилиб юрган.

— Хўш,— деди шляпали киши счётчикни кўриб бўлгач,— қани книжкасини олингчи.

— Книжкасини ҳали топганимизча йўқ,— жавоб берди хотини.— Келаси келишингизга албатта топиб қўямиз.

Шляпали асабийлаша бошлади:

— Ўтган сафар ҳам шунақа дедингиз? Нима, жаҳаннамга тушиб кетганми?

— Мановини олинг-да, бу галча ҳам кечира колинг, йўқ деманг,— хотини сирли овозда шундай деб шляпалининг костюми чўнтагига пул солиб қўйди. У эса шу захотиёқ ўн сўмликни олиб кўргач, эгасига тутказди.

— Бунақа ҳунарингиз кетмайди, янга. Мен бугун чироқни ўчириб кетаман.

— Ола колинг,— деди хотини.— Буёғини келишармиз ахир.

Шляпали бироз юмшади:

— Майли, бир гап бўлар,— деб қўйди.

Ортиқали бу суҳбатга бир чеккада оғзини очиб, локайд қараб турарди. Боя хотинининг қўполлигидан қанча ҳафа бўлган бўлса, ҳозир унинг айёрлигидан шунча мамнун эди. Чунки электр тилини биладиган ён қўшниси ҳали командировкадан келмаган, у қайтгач, счётчикни оркасига чирпирак қилиб айлантириб беради.

— Бўлмаса, керосин лампами, шамми олиб келинг, янга.

Хотин чопганича ётоқхонага кириб кетди. Ортиқали жилмайди. Хотин бўлса ҳам қайси нарсани қайга қўйганини билмайди, ландовур. У югуриб бориб ошхонадаги керосин лампани кўтариб келди. Ёқиб, шляпали кишининг олдидаги стулга қўйди.

Хотини лампага эмас, пулга кириб кетган экан. Эрига шундай чимирилиб қўйдики, у беихтиёр юзини тескари буриб, нари кетди. Ортиқали хотини шу қарашида ичида лақма, ахмоқ деганини шундоққина сезиб турарди.

Шляпали счётчик пробкасини ғийқиллатиб бураб олди. Ортиқали хира ёруғликда нариги хона деразасидан хотинининг шляпалига аста яқинлашганини, ноз билан, «Олинг, ола колинг, шу галча сўзимни қайтарманг», деб қўл узатганини пайқади: Кўп ўтмай ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди.

— Хўп, майли,— деди шляпали сумкасини қўлига оларкан.— кейинги сафар келишимга книжкасини топиб қўйинг. Келишдикми?

Ортиқали уйдан отилиб чиқди:

— Тўхта, тўхта, деяпман сенга!— Унинг юраги хаприкар, тез-тез нафас олар, муштларини маҳкам тутган эди. Шляпали жойида қотиб колди. Хотин эрига ажабтовур тикилиб турар, уни энди кашф этаётганидек, бироз киноя билан кўзларини қисиб боқарди.

Бирдан шляпалининг юзига тарсаки тушди:

— Эй, онангни эмгурнинг боласи!..

Шляпали калтак зарбидан линолум устида сирғалиб кетди-да, гандираклаб бориб, деворга суяниб чўккалаб колди. Ортиқали хотинининг ярмига тенг келадиган кичкина ўз гавдасида бунчалик зўр ирода, зўр куч қаёқдан пайдо бўлганини тушунмас аммо оламча завқ сезарди. Хотинининг боя қизиқиш билан боқиши энди ҳайратга айланган, кўзлари катта-катта очилганича, эридан чўчиш аломатлари ҳам бор эди.

Электр тармоғи ходими ўрнидан турди. Айвоннинг нариги бурчагига учиб кетган бош кийимини олиб кийди. Пробкани шиғиллатиб буради. Чироқ ўчди:

— Хизмат бурчимни ўтаётган пайтимда урдингиз. Бу ёғига ўзингиздан кўринг.

Шляпали папкасини ликиллатганича жўнаб колди.

Ортиқали икки қўлини шими чўнтагига солди ва кўкрагини кериб, хотинига умрида биринчи марта ўшқирди:

— Ҳей, ўша светчингнинг падарига минг лаънат.

Эртасига Ортиқалини милицияга чақиришди.

— Сиз нега хизматда юрган одамга жисмоний таъсир ўтказдингиз?— сўради пакана, ўрта ёшли лейтенант.

— Нима, жиноят қилса, пашша кўриб ўтиришим керакми?

— Қанақа жиноят?

— Ана ўзидан сўранг, виждони бўлса айтиб берар.

— Сен гапни айлантирма, безори. Мени уриб йиқитган ким ўзи? Сенми ёки хотинингми?

— Хотинимга тил теккизма. Бўлмаса мен... ҳозир яна сени...— хезланди Ортиқали муштларини тугиб.

— Гражданлар, бўлди қилинглар жанжални,— деди лейтенант ўрнидан тураркан.

— Костюмининг кўкрак чўнтагини каранг,— бўғилди, Ортиқали жойига бориб ўтираркан.— Ғижимланган йигирма беш сўмлик бор. Шу — пора.

Лейтенант рухсат этинг, деди-да, шляпалининг чўнтагига қўл солиб, айтилган пулни олди.

— Сиз бораверинг,— деди милиционер бироз савол-жавобдан кейин Ортиқалига.

— Ие, бу қанақаси,— титраб кетди Ортиқали.— Аввал мендан кечирим сўрасин, кейин кетаман, бўлмаса...

— Кечирим сўранг, гражданин,— буйруқ берди милиционер.

— Кечирасиз мени,— шляпали заҳархандалик билан пичирлади.

— Йўқ, бунақаси кетмайди,— Ортиқали айтгани бўлганидан қувват олиб, жаҳл аралаш деди.— Бу ерда ким эшитади уни.

Шляпали секин «ҳи-ҳи» деб кулиб қўйди.

— Нима, газета оркали кечирим сўрасинми?— лейтенантнинг ҳам овозида энди киноя пайдо бўлди.— Балки телевизор оркали гапириши керакдир-а?

— Уйга борсин, билдиз! Уйда кечирим сўрасин.

...Ортиқали ишдан кеч қайтди. Хотини коронги уйда ўтирган экан. Ошхонадан овқатини олиб келди. Эрига ўғринча қараб қўйди.

— Эртага келади,— деди эри қошиқ билан идиш тагидаги овқатни тақиллатар экан.

— Ким?— хотини кўзини ундан олиб кочди.

— Ким бўларди, ўша светчинг-да!

Хотинининг кулоғигача қизариб кетгандай бўлди.

Ҳақиқатан ҳам эртаси кун у келди. Индамай чироқни ёқди.

— Нима ишдан бўшатишдими?— сўради Ортиқали унга тикилиб. Шляпали бир чимирилиб қўйгач, Ортиқали илжайиб қўшиб қўйди.

— Мана, ора энди очиқ бўлди. Книжкани ҳам топиб қўйдик.

Шляпали бошини қимирлатди:

— Энди бошқа одамга кўрсатасиз.

— Кўрсатамиз, акаси, кўрсатамиз...

Ортиқалининг гапи дадил-дадил чиқар, хотини эса эрининг тунов кунги ўрнидан жимгина қараб турарди.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

СУҒУРТАНИНГ АНЪАНАВИЙ ТУРЛАРИ

- корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар,қўшма корхоналар суғуртаси.
- мол-мулк ва иморатлар суғуртаси
- шахсий ва давлат транспорт воситалари суғуртаси
- овоз ёзиш ва видео техника, шахсий компьютерлар, ёзув-чизув техникаси суғуртаси
- ташилаётган юклар ва багаж суғуртаси, уларни қўриқлаш ва бирор ходимни ҳамроҳ қилиб юбориш
- ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
- кредитлар суғуртаси

АВ АСТРОВАЗ

Биз ҳақимизда бизнинг мижозларимиздан сўранг



Биз ҳақимизда бизнинг мижозларимиздан сўранг

«АСТРОВАЗ» ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ЙИЛИГА 10 ФОИЗ ЭМАС 15 ФОИЗ ФОЙДА ТЎЛАЙДИ!

Мижозларимизнинг ўз ҳаёт ва саломатликларини суғурта қилиш учун қўйган жамғармалари пулнинг қадрсизланиши туфайли жиддий зарар кўраётганини ҳисобга олиб ва бу омонатларни бир оз бўлсада ҳимоялаш истагида «АстроВАЗ» ўз ҳисобидан 1992 йил 1 февралдан бошлаб мижозларга тўлайдиган фойдани йилига 10 фоиздан 15 фоизгача кўтарди.

Ҳаёт ва саломатликни суғурта қилиш юзасидан илгари тузилган шартномалар ҳисоб-китоби ҳам 1992 йил 1 февралдан кейинги давр учун қайта кўриб чиқилади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз асосий фондларини суғурта қилиш учун тўловлари икки баробар камайтирилди.

Суғурта товони 72 соат мобайнида тўланади.

****

«АСТРОВАЗ» СУҒУРТА КОРХОНАСИ: Тошкент, Фучик кўчаси, 2-а уй, 315, 317-хоналар. Шанба ва якшанба ҳам иш куни соат 8 дан 20 гача.
Телефонлар: 32-03-69, 32-04-69.

СУҒУРТАНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

- товон тўлаш асосида ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси
- ҳомиладорлиж ва фарзанд кўриш суғуртаси
- ишлаб чиқариш соҳасидаги интеллектуал мулк суғуртаси
- фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги интеллектуал мулк суғуртаси
- коллекциялар, шахсий кутубхоналар, санъат асарлари, диний ашёлар суғуртаси
- уй ҳайвонлари (ит ва мушук) суғуртаси
- мижозлар таклиф қиладиган шартлар асосидаги суғурта

ibs inbrokservice

«ИНБРОКСЕРВИС» ТИЖОРАТ ФИРМАСИ СИЗГА

ФИРМА

ИНБРОКСЕРВИС

КВАРТИРАЛАР, УЙЛАР, ДАЛА ҲОВЛИЛАРИ, АВТОТРАНСПОРТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИНГ

ОЛДИ-СОТТИСИНИ, ИЖАРАСИНИ, КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ТЕЗ, ОШКОРА ҚИЛМАЙ, ФОЙДАЛИ ТАРЗДА ТАЪМИНЛАЙДИ.

Тел: 78-56-12, 78-94-08, 77-94-89, 78-93-94, Факс: 78-56-12.

ҲУҚУҚИЙ МАДАД КАФОЛАТЛАНАДИ

ҚОНУНЛАРНИ ЎҚИБ-ЎРГАНИБ

Муҳарририятга қуйидаги мазмунда хат келган эди.

«Нега ёш оилалар бузилиб кетаяпти? Эркак айбдорми, аёл? Менимча, тенг ҳуқуқли десак ҳам, аёллар ҳуқуқи эркакларникидан баланд бўлиб келмоқда. Ажралишганларида, болалар асосан аёлларга қолдирилиб, нуқул эркаклардан нафақа (алимент) ундирилади. Ҳатто аёл айбдор бўлса ҳам. Шу тўғрими?»— деб ёзади Дамин Ташатов Сурхондарё вилояти, Шўрчи райони, «Полвонтош» давлат хўжалигидан.

Хатга шундай жавоб беришни лозим кўрдим:

Ҳурматли Даминжон!

Ёшми, кўп йилликми, оилалар бузилаётгани рост. Афсуски, бу ҳол борган сайин ачинарли тус олмоқда. Сабаби борасида эса, ҳар бир ҳолатга алоҳида-алоҳида ёндошилмоқ керак. Оила бузилишида гоҳ эркак, гоҳ аёл айбдор бўлиши мумкин. Шунингдек ташқи ва ички муҳит, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, жамоатчилик таъсири бўлиши ҳам кўздан йироқ эмас. Ёхуд, моддий, руҳий, жисмоний, маънавий таъсирлар, характер ва дунёқарашлардаги келишмовчиликлар ҳам сабаб бўлаётир. Ёки ҳар иккала тараф ҳам, бошқа муҳит ҳам айбдор бўлмаслиги мумкин. Хуллас бизнингча оила бузилишида бир ёқлама хулоса қилиш ярамайди.

Эр ёки хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, улар ажралишганларида боланинг кимда қолдирилиши ёки тарафларнинг қайси биридан нафақа ундирилиши борасида эса тубандагиларни билиб қўйган маъқул:

Оила ва никоҳ ҳақидаги қонунларимизни бугунги давр талабига мос, мукаммал деб бўлмайди. Уларнинг аксарият шарқона анъаналаримиз, халқимиз урф-одатлари ва қадриятини ҳисобга олган ҳолда оила қуришни кўзда тутиш ўрнига, оврупоча никоҳ ва оила тузишга мослаштириб қабул қилинган. Ҳозир бу чигалликлар ечими устида тегили ишлар бошлаб юборилган. Бу жараённинг тезлашиши тарафдоримиз.

Оилада эр-хотин ўзаро тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши билан бирга, учинчи шахс-болаларнинг тарбияси ва уларнинг моддий томондан таъминланишида ҳам тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. Республика Никоҳ ва Оила Кодексининг 73-моддасида ота билан она ўртасидаги никоҳ бекор бўлганда ҳам, улар болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга эканлиги қайд этилган.

Ота-онанинг бола тарбияси ва таъминоти учун жавобгарлик даражаси, оиланинг бузилиш сабаблари билан боғланиши нотўғри бўлади. Бу борадаги қонуннинг 78 моддасида кўрсатилгандек, болалар тарбиясига оид ҳамма масалалар ота билан онанинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади. Ота-она алоҳида яшаганларида вояга етмаган болаларининг ким билан қолиши тарафларнинг келишувига боғлиқ. Агар бу масалада ўзаро низо келиб чиқса, суд томонидан биринчи навбатда, болалар манфаати ҳисобга олинади. Қонунга асосан (79-модда) суд боланинг ёши ва тўғри тарбияланишини эътиборга олади, унинг ота-онасидан қайси бири билан қолишга ҳоҳиши борлигини аниқлаб қарор қабул қилади.

Амалда 10 ёшгача болалар онаси билан қолдирилади. Лекин боланинг истаги унинг манфаатига мос келмайди, деб топилса, ўзгача хулосага ҳам келиш мумкин.

Болани онада қолдириш амалда онанинг ҳуқуқий устунлигини белгиламайди. Бу ерда боланинг онаси билан тўғри тарбияланиши ва шаклланиши мумкинлиги хулоса учун асос қилиб олинади. Қирини ювиш, ювиб-тараш ва бошқа кундалик қарашлар эътиборга олинмай бўладими?

Болалар таъминоти учун тўланадиган нафақа (алимент) масаласида эса, бола онага берилса-отадан, отага берилса — онадан ундиришни қонун кўзда тутади. Иккала тараф ҳам, қонунда белгиланган шартлардан ташқари, нафақа тўлашдан озод қилинмайди. Никоҳ ва оила Кодексининг 98 моддасида кўрсатилганидек, алимент тўлашга мажбур бўлган ота ёки онанинг вояга етмаган бошқа болалари бўлиб, қонун билан белгиланган миқдордаги нафақани ундирилганда, ўша болалар нафақа олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлсалар, шунингдек, нафақа тўлаётган ота ёки она биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлса, уларнинг аризасига биноан суд томонидан нафақа миқдори камайтирилиши мумкин. Бундай фактлар суд тажрибасида кўп учраб туради.

Қ. ва С. қонуний никоҳда турган даврида 3 нафар болалари бўлган. Улар никоҳни бекор қилишганда болалар онасида қолдирилган. Қ. бошқага уйланиб, иккита болалик бўлгандан кейин, бу болаларининг моддий таъминоти қийинлашиб қолган, С. га 3 та боласи учун тўлаб турган алимент миқдорини камайтиришни сўраб судга ариза берган. Суд ҳар тарафлама аҳволга баҳо бериб, Қ.нинг аризасини қоноатлантирган. Бу қонуний ва адолатли ечим деб баҳоланмоғи керак.

Хуллас, қонунларимизни ўқиб-ўрганиб турмасдан турли фикрларга бориш ва адолатсиз хулосалар чиқаришдан ўзимизни тийганимиз маъқул. Ҳақ-ноҳақни яхши билсак, ўз ҳақимизни талаб қилишга ва ҳақиқат барқарор бўлиши учун «ноғора қоқ»сак арзийди.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси:

Ишбилармон, меҳнатсевар кишилар бугунги кун қаҳрамонларидир. Қашқадарё вилоятининг Китоб районида ташкил этилган кичик корхонада ана шундай ишбилармонлар меҳнат қилишади. Бу ерда аҳоли учун зарур сопол буюмлари ишлаб чиқаришади.

Суратда: корхона ишчиларидан бири Замира Ибодова.
Ш. Шарипов (ЎзА) олган сурат.

МУСИҚА МУАЛЛИМИ ЭСДАН ЧИҚМАСИН

Болаларни мусиқа санъати оламига олиб киришда мусиқа мактаби муаллимларининг ҳиссаси каттадир. Мусиқа мактабларида таҳсил олган зуваласи пишиқ, иқтидорли ўсмирлар мусиқа билим юртидан сўнг консерватория ва бошқа санъат ўқув юртларида ўз билим, ижрочилик маҳоратларини мустаҳкамлаб ижодий камолат сари парвоз этадилар. Мусиқа санъати бошқа санъатлар ичида энг мураккаб соҳалардан бири бўлиб, мусиқа илмини пухта эгаллашни талаб этади. Шу иқтидорли бўлажак созандаларнинг асосини мусиқа мактаб муаллимлари яратишади. Хўш, шундай олийжаноб ишларни амалга ошираётган мусиқа мактаб муаллимларини ижтимоий иқтисодий аҳволлари қандай? Бу мактаблар 1985 йилга қадар халқ таълими вазирлигига қараб, шу ўқув йилидан бошлаб эса маданият вазирлиги ихтиёрига берилган. Сир эмаски, ўқитувчилик касбининг обрўси жамиятда пасайиб бормоқда. Чунки ўқитувчининг маошдан бўлак даромади йўқ. Шунинг учун ҳар бир сўмни, тийинни жой-жойига қўйиб сарфлайди. Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримов ўқитувчиларни ижтимоий иқтисодий ҳимоялаш мақсадида барча мактаб ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, маошларни кўтариш, ҳақидаги Фармонини мусиқа мактаби муаллимлари ҳам қизғин кутиб олишди. Аммо-лекин, мусиқа мактаблари ўқитувчилари учун бу Фармон тааллуқли эмас экан. Ҳар бир касб соҳасида ишловчи мишчи-хизматчилар, иш жойларида аттестация кўригидан ўтмоқ даркор. Ҳар бир мишчи-хизматчининг ишбилармонлиги, ишчанлиги, иш унумига қараб маош белгиланиши адолатли. Лекин, баъзи гапдонлар иш билан эмас, гап билан бунга эришмоқдалар. Масалан, мусиқа мактаблари муаллимларининг кўригидан ўтказиш шартлари борасида баъзи хатоликлар мавжуд. Сир эмаски, ҳозирги пайтда малакали ўрта ва олий мусиқа ўқув юртини тугатаётган кадрлар бармоқ билан санарли. Мусиқа мактабида кўп йиллардан бери ижодий ишлаб келаётган муаллимлар Тошкент Давлат дорилмуаллимини, Тошкент Давлат Маданият илмгоҳи халқ чолғу асбоблари куллиётини тамомлаган мутахассис ўқитувчилардир. Нотекисликни қаранг, олий ўқув юртини тугатганлар билан мусиқа билим юртини тугатган муаллимга биринчи, иккинчи категория ўқитувчи унвони берилиб, иккинчисига ҳам маош тўлаш миқдори бир хил. Мактаб муаллимларига имтиёзлар анчагина: автобусларда текин юриш, давлат уйлари шахсий уй сифатида ўтказиб берилиши, электр ёқилғи, газ, солиқларидан озод этилиши ва бошқа тўловлар қиммати пасайтирилди. Уларга «Катта ўқитувчи», «Методист ўқитувчи», «Кичик ўқитувчи», «Халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонлари таъсис этилган. Мусиқа мактаблари ўқитувчиларига бундай имкониятлар йўқ. Нега деган қонуний савол туғилади.

Ҳозирги мураккаб, оғир иқтисодий шароитда мусиқа муаллими ҳаёти иқтисодий ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳайрли ишга маданият вазирлиги ва касаба уюшмаси раҳбарияти қўл урмоқ ва ишлаб чиқаришга ёрдам бериш ҳам ... ёрдам.

С. КАБИРОВ.

БЕШИНЧИ АРИЗА

Ҳурматли «Ишонч»!

Мен ушбу хатни Тошкент вилояти, Красногорск посёлкасидан юбораяпман. Мен ўн болани вояга етказгунча не-не машаққатларни бошдан кечирмадим. Бош фарзандим Мирғани Содиқов Афғонистонда биринчилар қатори бўлиб келган, шу кунгача унинг азобини тортади. У қайтгунга қадар уйимизда ҳаловат бузилди. Онаси касалванд бўлиб қолди, сурункалик астма касалига чалиниб қолди. Энг ачинарлиси шуки, ўғлим номидан енгил автомашина олишга 4 марта ариза ёздик. Тўрт мартасида ҳам посёлка раислари алмашиб, аризаларимиз ҳам улар билан бирга йўқолаверди. Бешинчи раисга, бешинчи ариза ёзмоқдамиз. Бу ... ҳам ... ...

Эркин СОДИҚОВ,
Чапаев кўчаси, 7-уй.

Бизни ҳам ўйлашсин-да

Ҳурматли «Ишонч» газетаси! Биз Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалигининг 4-бригадасидаги Садриддин Айний кўчасида яшаймиз. Кўчамизда 15 та хонадонгагина табиий газ ўтган. Қолган 10 тасига табиий газ ўтмагани сабабли бу хонадонлар суюлтирилган газ баллони ишлатишади. Лекин у 9—10 ойдан бери келмаяпти. Газ баллони таркатувчи Дурдибой оғанинг уйига борсак, мен ишдан бўшадим, дейди. Районимизнинг газ идорасидаги раҳбарлар эса биз — колхозчиларни ўйламай кўйишди. Айниқса, ёғингарчиликда газ баллони бўлмаганидан жуда қийналяпмиз. Ҳеч бўлмаса ойда бир марта кўчамизга газ баллони келишини истардик.

Эркабой Кўчметов,
Қутлибой Машарипов,
Абдураҳмон Бобожонов,
Йўмитдурди Вафоев
ва яна беш киши.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлимидан: Хоразм вилояти, Қўшкўпир районидаги аҳолини газ билан таъминлаш идораси мутахассислари ушбу шикоят хатидан хулоса чиқариб оларлар деган умиддамиз. Қишлоқ аҳлининг талаби битта — уларга газ керак. Ахир қўшнисиникида табиий газ бўлса-ю уларга ҳатто баллонли газ ҳам келтирилмай пайсалга солинса, инсофданми? Қишлоқ аҳолисини газ ва сув билан таъминлаш хусусида Президентимизнинг Фармони чиққанига ҳам мана икки йилдан ошяпти-ку.

Биз бу хусусда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Қўшкўпир район газ таъминоти раҳбарларидан жавоб кутамиз.

Кечиккан ялл изҳори



МУҲАММАДЖОН акани эслайман. Муҳаммаджон Қўшоқовни! У киши беозор сўзлашлари, майин жилмайишлари, ҳамсуҳбатининг ўринли, ўринсиз ҳар қандай сўзларини чидам билан жимгина тинглаб, оқилона хулоса чиқаришга моҳирлиги билан ажралиб турарди. Муҳаммаджон ака кўпчиликнинг назарида беозор, меҳнаткаш, ўта ориятли ва мулоҳазали дилкаш инсон, яхши шоир ва фидоий журналист ҳам эдилар.

У кишининг яхши фазилатларига қарши ўлароқ, тирикчилик тошдан қаттиқ деганларидек, ижодий имкониятларининг очилмаган қирралари борлиги билан ажралиб турар ва бу ҳолат кўпчиликни ҳайратга соларди, чоғи.

Гап шундаки, Муҳаммаджон ака ўзида бор имкониятларни юзага чиқара олмаган. Камтаринликми, андишами, тортинчоқликми ёки турғунлик йилларининг ҳайбаракаллачилиги асоратими, ҳар қалай, нимадир халал берарди у кишига. Нима бўлганда ҳам журналист Қўшоқовнинг иқтидори, шоир Қўшоқов ижодида ўз аксини топа олмаган эди.

Ўшанда, «Ёш ленинчи» газетасининг Адабиёт ва санъат бўлимида ходим бўлиб ишлардим. Ўша даврдаги журналист дўстларим қатори ўзимни ҳар жабҳага уриб, мақола ва очерклар ёзардим. Табиийки, касбдошлар орасида журналистиканинг машаққатли нонини эндигина тота бошлаган ва бу соҳада ҳали ғўрроқ эдим. Шу ўринда ўша пайтларда мендан маслаҳат ва ёрдамларини аямаган, менга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзган — Мирзакарим Пирматов, Аҳмаджон Мелибоев, Жабборберган Раззоқов, Сафар Остонов сингари дўстларимдан умрбод миннатдор эканлигимни айтгим келади.

Бир куни газета муҳаррири Р. Шоғуломов чақириб, шундай дедилар:

— Менга қара, кўктераклик шоир (у киши қилган ишидан мамнун бўлганларидагина шундай мурожаат қилардилар), сени қишлоқ хўжалиги бўлимига ўтказмасак бўлмайди. Муҳаммаджон аканг ёлғиз ўзи қийналиб қолаяпти.

Мен нималарнидир важ қилиб, мингирладим.

— Гап битта,— деди Рустам ака чўрт кесиб,— эртадан бошлаб қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлайсан. Биз редколлегияда келишиб қўйдик. Муҳаммаджон Қўшоқов тажрибали журналист. Билмаганларингни ўргатади. Сен ўзи оёқ-қўли чаққон йигитсан-ку!

Тамом. Ортиқча гапга ўрин қолмади. Шундай қилиб, адабиёт ва санъат бўлимига келадиган сўнгсиз шеърий номалардан қутилиб, қишлоқ хўжалиги бўлимига сафарбар қилиндим.

Саксонинчи йилларда мазкур бўлим етакчи ҳисобланар, газетамиз эса, қишлоқ хўжалигига оид мақолалар билан тўлиб-тошган бўларди. Бундан ташқари комсомол Марказий Қўмитасида ўтадиган шу масалага доир ҳамма тадбирларни тайёрлаш, таҳрир қилиш ҳам газета қишлоқ хўжалиги бўлими ходимлари зиммасига юкланганди. Марказқўмдаги ўртоқларимиз биз мухбирларнинг инжиқликларига чидаб келишар, ҳар қалай, ҳам газета ишини, ҳам комсомол топшириқларини бажараётганимиз туфайли ҳар қандай балоқазолардан ҳимоя қилишга интилишарди. Минг афсуслар бўлсинки, Муҳаммаджон ака бундай илтифотларни ҳам ўзига хос зийраклик билан рад этардилар.

Хуллас, биз Муҳаммаджон ака билан ота-боладек иноқлашиб кетдик. Одатда Муҳаммаджон ака ишга вақтли келиб, кеч кетардилар. «Эрталабки ишнинг унумига не етсин», дегувчи эдилар.

У кишининг ён чўнтакларида ҳамиша саккиз букланган бир варақ қоғоз бўларди. Ўша қоғозга бўлажак асарнинг қораламаси жудаям майда ҳарфларда ёзиларди. Қоғознинг ҳар саккиз тарафи ёзувга тўлгач, ёзувхонадаги чаққон қизлардан бирига айтиб ёздирар эдилар. Мен у киши ёзган кўпгина очеркларнинг ана шундай антиқа услубда дунёга келганлигининг кўп марта гувоҳи бўлганман.

Асар битиб, оққа кўчирилгач, Муҳаммаджон акани таниб бўлмасди. Ўта сўзамол бўлиб қолар, чўзинчоқ юзлари яшнаб кетар, дарров қадрдони Маҳкам Раҳмонга ўқитиб олишга ошиқар эдилар, фақат у кишининг танқидларинигина тан олардилар.

Агар биз ҳамкасблари у кишини мақтасак, шундай жилмайиб қўярдиларки, мен бу жилмайишларнинг сирини ҳали-ҳали англаб етмаганимга ўкинаман, холос. Гап шундаки, Муҳаммаджон ака ҳаммани ҳам ўзига дўст тутавермас, бу борада жуда ҳам эҳтиёткор эдилар. Эҳтимол, ўша пайтларда бировнинг ютуқларини кўролмайдиган, илтоқи, чақма-чақар, хушомадгўй кимсалар у кишининг зукко қалбига кўпроқ озор бермаганмикин, деган андишага ҳам бораман. Зада бўлган қалбнинг қайта тикланиши эса, ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Ҳамонки, у кишининг дўстлари ҳақида сўз очилган экан: Аҳмаджон Валиев, Қамариддин Исломов, Маҳкам Раҳмон сингари дўстларини гоятда қадрлар, улар ҳақида гап кетганда оғизларидан бол томар эди. Албатта, мен бу борада хукамо ҳам эмасман, Муҳаммаджон аканинг безовта руҳи олдидаги қарзимни уза олсам бас, деган фикр ўртайди, холос...

Бир куни ишдан кейин, энди уйга кетмоқчи бўлсам, Муҳаммаджон ака:

— Шавкат, эрталаб соат еттиларда Кўкчадаги бозорчага кела олмайсизми?— деб сўрадилар.

— Тинчликми?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Эртага келсангиз, биласиз,— дедилар айёрона жилмайиб...

Кўкча бозорига етиб келсам, Муҳаммаджон ака кутиб турган эканлар.

Кўкча бозори. Сал чоғроқ бўлса ҳам ҳамма нарса бор. Кузги тўкинчилик бутун малоҳатини, бутун маҳоратини шу бозорга солиб, кўз-кўз қилаётганга ўхшарди. Бу ерда ҳамма—новвой ҳам, қаймоқ сотувчи ҳам, узумфуруш ҳам Муҳаммаджон акани танишар, унга илтифот қилишар эди. У киши ҳам ўз навбатида бу илтифотларга муносиб жавоб берарди. Бозор айланиб юриб, иккита иссиқ нон, бир коса қаймоқ, икки қадоқдан мўлроқ узум харид қилдилар.

Бозорни катта қилвордингизку,— дедим Муҳаммаджон аканинг камхаржлигига ишора қилиб.

— Энди, сизни бир меҳмон қилай дедим-да, кейин эслаб юрарсиз,— дедилар майингина жилмайиб.

Биз кейинроқ ҳам бир неча марта Кўкчада, ўша серсоя чойхонадаги чорпояда мириқиб нонушта қилдигу, аммо...

«...Кейин эслаб юрарсиз!» Айтилган сўз, отилган ўқ. Назаримда, шундай илиқ сўзлар бўладики, қалбингда бир умрга нақшланиб қоларкан. «Кейин эслаб юрарсиз!» Бу сўзларнинг қат-қатларида қандай сиру асрор борлигини ким билади, дейсиз. Кейинчалик ўша сўзларни эслаганимда, қалбимга гоҳ илиқ бир меҳр қуйилиб киради, гоҳ тош бўлиб тиқилиб, кўзларим намланади.

Ҳар ҳолда, «Кейин эслаб юрарсиз!» хотира-сўз қолган-ку!

Пахта йиғим-терими авж паллага кирган кунлар эди, чоғи. Ғиждувонда сафарда эдим. Ғиждувон район комсомол қўмитасининг ўша пайтдаги саркотиби Жамшид Мансуров эрталаб меҳмонхонага хомуш аҳволда кириб келди.

— Тошкентдан қўнғироқ қилишди, кимдир вафот этибди...

Хаёлимга лоп этиб, «Кейин эслаб юрарсиз!» деган сўзлар отилиб кирди-ю, Муҳаммаджон аканинг бетоблиги, у кишини кўргани борганимизда, «Яхши-ёмон гапирган бўлсам, рози бўлинглар!» деган илтижолари қайта-қайта такрорлангандек бўлди...

Тошкентга қўнғироқ қилиб, ҳеч кимни тополмадим. Тушдан кейин эса, ниҳоят телефон дастагини Хадичахон Лутфитдинова кўтарди:

— Шоир,— деди у ўпкасини тутолмай,— Муҳаммаджон акадан айрилиб қолдик...

Телефон дастаги ғижирлади. Хадичахон куйиниб, йиғларди. Мен уни юпатган, кўнгил сўраган бўлардиму, дилимда эса, «Кейин эслаб юрарсиз!» деган сўзлар чархпалак сингари чир-чир айланарди...

Муҳаммаджон акани эслайман. Ҳа, ўша чумоли янглиғ меҳнаткаш, ҳеч кимга озор бермайдиган, камтар, камсуқум, яхши шоир ва самимий инсон — Муҳаммаджон Қўшоқовни! У кишидан яхшилик қолди. У кишидан яхши фарзандлар қолди. У кишидан ҳали китоб шаклига кирмаган яхши шеърлар, қиссалар қолди. «Ёш ленинчи» газетасининг кўп йиллик саргаймас тахламларида қалб ҳарорати, уйқусиз тунларнинг ҳосиласи бўлмиш очерк ва мақолалар, ширин-ширин суҳбатлар қолди.

Ҳар қалай, «Кейин эслаб юрарсиз!» деган илтижоли сўзлар борку! Ўша сўзлар кўнгилга юпанч бўлиб қолади, холос.

Шавкат ТУРОБ.

Дарахтлар

Дарахтлардан сўрайман баъзан:
Довулда ҳам ҳеч йиқилмасдан,
Бардош бериб турасиз, мағрур,
Нечун шундай бардамсиз, жасур?!
Дейишади улар:
Чунки биз —
Камол топдик ўсиб ёнма-ён.
Бир-биримиз суяймиз ҳар он.
Энг муҳими, севгиси тенгсиз
Она ерга отганмиз илдиз!

Тоғлар гўзали

О, кўза кўтарган тоғлар гўзали,
Сувинг сўзинг каби эмиш мазали.
Сен-озар, мен-ўзбек, дўстмиз азалий,
Низомий, Ҳоқоний, Воқиф газали —
Навоий шеъридек ёқимли менга,
Рашид қўшиғидек ёлқинли менга.
Фузулий айтгандек, эй покиза дил,
Қиш каби совуқдир севгисиз кўнгил.
Оҳудек чўчима, эй кўзлари шўх,
Ёмон ният билан тикилганим йўқ.
Қалбимда жўш уриб ўтли муҳаббат,
Сени дилдоримга ўхшатдим фақат.

Элга

Саҳар чоғи ижод ишқида
Киприклардан куваман уйқу.
Зангламасин пером учида —
Учмасин, деб сиёҳим юқи.
Уринаман мисраларимнинг
Меҳнат қўшиб ичу тошига,
Элга нафсиз ўтган кунимни
Қўшолмайман йигит ёшимга!

Муҳаммаджон ҚЎШОҚОВ.

АТТОРНИНГ КУЛМАСИ

Интермедия

Иногом баққолнинг уйи. Баққол қўлида бризент халтани кўтарганча йиғламсираб ҳовлига кириб келади.

БАҚҚОЛ — Вой жигарим! Эсизгина жигарим!

Ичкаридан ҳовлиқиб хотини чиқади.

ХОТИН — Ҳа, дадаси, нима бўлди? Вой, худойим-ей! Нима деяпсиз?

БАҚҚОЛ — Кўзимнинг нури, жигарим, белимнинг қуввати, жигарим! Аттанг-аттанг, жигарим!

ХОТИН — (йиғлаб) Нима фалокат бўлди? Айтақолинг!

БАҚҚОЛ — Жигаримдан айрилиб қолдим, хотин.

ХОТИН — Қимдан, қайси жигарингиздан, дадаси? Бу мусибат қаёқда қараб турган экан.

БАҚҚОЛ — Боя бозорда ўтирган эдим. Зира, кашнич уруғининг савдоси роса қизиб кетди. Қайфим чоғ, кўкрагим тоғ бўлиб тургандим. Бир маҳал бир ярамас келиб қоғоздаги зирани афтимга сочиб юборса бўладими.

ХОТИН — Нега сочади? Ким экан у безори?

БАҚҚОЛ — Бу зира эмас, сабзининг уруғи-ку, дейди уйинг қургур. «Инсофинг борми», деб ёқамга ёпишди. Одамлар «ҳай-ҳай»лаб ажратиб қўйишди. Шундаям башарамга бир-икки мушт тушириб қолди, ярамас. Урганиям майли-я, ўн беш сўмга туширди касофат!

ХОТИН — Ўзингиз ҳам сабзининг уруғини аямай қўшасиз-да! Бир кун шундай фалокат бўлишини биларди.м.

БАҚҚОЛ — Овозингни ўчир! Қўшмаса фойда қаёқдан келади. Ох, хотинжон, буғисиям майли, лекин жигаримдан айрилиб колганимга чидай олмаяпман. Эссизгина жигарим-а!

ХОТИН — Қимдан айрилиб колдик, дадаси? Қимдан?

БАҚҚОЛ — Ҳалиги вокеадан кейин, дилим хуфтон бўлиб ўтиргандим, уканг Абдусаттор келиб қолди. «Ҳа, почча, нега таъбингиз тиррик», деб сўради. Барака топкур машқим пастлигини дарров сезди. «Э, парво қилманг», деб кўнглимни кўтарди, бояқиш. «Кўзингиз қалай, тузукми», дейди. Қувватим йўқ. Кўзим борган сари хиралашяпти, қайним. Дўхтирга чиқсам бақувват-бақувват овқат енг, деб буюрди , дедим. «Дўхтир тўғри айтибди, почча», деб сумкамга бир нарса тиқиб қўйди, барака топкур. Ҳа, аттанггина-я, аттанггина-я, жигаримдан айрилиб қолдим, хотин.

ХОТИН — Вой, шўрим, вой укагинам! Вой жигаргўшам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди-я!

БАҚҚОЛ — Абдусаттордай йигит дунёга бир келади, хотинжон. Барака топкурни йигитларнинг султони десам ҳам кам. Ундай оқибатли, қўли очиқ йигит бу оламда йўқ.

ХОТИН — Вой, ёлғизгинам! Қаёқдан қараб турган экан бу мусибат бизга, дадаси!

БАҚҚОЛ — «Кетасизми, юринг йўлдан ўтказворай, машина кўп, кўзингиз хира, тағин бирортаси туртиб кетмасин», деди Абдусатторгина. Қўлтиғимга кириб йўлдан ўтказиб қўйди. Кейин йигирма метрча юрдим-да, карасам ахлат тўкиб қўйилган жойга бир пакет колдиқутти нонни ташлаб кетишибди. Сумкамни қўйиб, шу нонни обкета колай, увол бўлмасин, дедим. Пакетни кўтариб шундай орқамга қарасам, не кўз билан кўрайки... (йиғлайди).

ХОТИН — Вой, жигарим! Бу фалокат қаерда экан.

БАҚҚОЛ — Қарасам, Абдусатторгина оберган икки кило жигарни бир дайди ит тишлаб кетяпти. Жон ҳолатда қувдим. Етолмадим. Йўлнинг нариги бетига ўтиб кетди-ю, кўздан ғойиб бўлди нина еб ўлгур. Ўзим еганимда кўзим равшан тортарди-я, хотин.

ХОТИН — (бақрайиб колади) Нималар деб вайсаяпсиз, ўзи. Абдусаттор тирикми ахир?!

БАҚҚОЛ — Хеч ким ўлгани йўқ! Абдусаттор барака топкур олиб берган жигардан айрилиб колдим, хотин! Эсизгина жигарим-а! Кўзимни нури эди-я!

ХОТИН — Э, жигарингиз бошингизни есин! Ваҳимангиз оламни бузди-я. Мени тамом қилдингиз-ку. (Хотин ҳушидан кетади).

БАҚҚОЛ — Ҳой! Ҳой, онаси! Нима бўлди сенга? Кўзингни оч! Қаёкка? Вой, жигардан айрилганим айрилган энди хотиндан айрилмай. Ҳой, ким бор?

НИЯТИ ЎЗИГА ЙЎЛДОШ БЎЛДИ

Бир йилдан бери одамларнинг юраги ғаш эди. Ҳафтада икки-уч мажлис бўларди.

— Ҳаммангни ҳайдайман!— дерди янги келган раҳбар қўлини бигиз қилиб.— Эртагаёқ ўттиз фоизинг кетасан!

Бир куни одатдагидай нортуяга ўхшаб оғиз кўпиртира бошлади.

— Штатни қисқартирамиз, кўп одам кетади, тайёргарлигини кўраверсин. Мен уларни...

Бирдан раҳбар минбарда кўринмай қолди. Қаранг, шўрликни турган ери эски кир ўранинг ўрни экан, ўпирилиб кетибди.

— Ўзи ўрабон одам эди,— деди кимдир ҳиринглаб.

Ҳамманинг кўнгли ёришди.

— Мен сени севаман!— деди йигит.
— Мен сени севмайман!— деди қиз.
— Сенсиз ўламан!— деди йигит.
— Ўлсанг, ўлавер!— деди қиз.

Орадан йиллар ўтди. Ўша йигит ҳамон тирик! Соқолини селкиллатиб ширингина чол бўлиб, яшаб юрибди.

Эргаш РАИМОВ — МЕҲМОНИМИЗ

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен Эргаш Раимов, 1937 йилда Чиноз шаҳрида туғилганман. 1957 йилдан бери ижод билан шуғулланаман. Кўпроқ болаларга шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ёзганман.

Кўп бўлмаса ҳам унча-мунча ҳазил-мутоибага мойиллигим бор. 1962 йилдан бери Ўзбекистон ойнаи жаҳонида хизмат қиламан. Ҳозир «сатира ва юмор» бўлимини бошқараяпман. Ўзим ҳақимдаги бор гап шу!

Ишқилиб, омон бўлайлик!

Сен ҳам тутилдинг, укам,
амал балосига,
Бурнинг қонайди, укам,
амал ҳавосига.
Амалпарастларни ҳажв
айлардинг кўп,
Энди ўзинг муҳтож, укам,
ҳажв давосига.

* * *

Магазиннинг олдида бир пиёниста думалаб ётарди. Ўтган-кетган борки, ўзича тўнғиллаб қўярди.

— Э, ичмай ўл, тўнка!

— Булар лойда ётадими, балчиқда ётадими, жин ҳам урмайди. Бизга ўхшаганлар салгина шабадага шамоллаймиз.

— Ақлли пиёниста экан, ётадиган жойни топганини қаранг буни!

— Ҳарна магазинга яқинроқ бўлай деган-да, ўрнидан туради-ю, барматухани уриб яна ётаверади.

Пиёниста бир инграб қимирлаб қўяди. Магазинда ишлайдиган Нодирхон деган йигит уни болахонадор қилиб сўкди.

— ...Заҳарни ичкур, ичибсан-ичибсан, наррокка бориб ётсанг ўласанми?

— Ичганим йўқ!— деди Пиёниста инқиллаб.

— Ичмасанг, нега ётибсан бу ерда?

— «Жасорат»нинг нархини кўриб ҳушимдан кетиб қолдим.

Пиёниста киприкларини бир-икки пирпиратди. Сўнг:

— Алвидо, «Чашмам»!— деди-ю узилди.

Эргаш РАИМОВ

ПАШШАНИНГ ЎЛИМИ

Қўниб юрди бир пашша
Ҳар бир қошиқ, товоққа.

Ишламасдан кир пашша,—
Учди ҳаром томоққа.

Шимиб қолди текин деб,
Бир кун ўлат доридан.

Шундай қилиб текин еб,
Айрилди у жонидан.

БЕШ ТАНГАЛИК ХИЗМАТКОР

Бир бойнинг Эшмат ва Тошмат деган хизматкори бор экан. Бой ойига Эшматга беш танга, Тошматга юз танга ҳақ бераркан. Бир куни эрталаб чой ичиб ўтиришганда ўғилчаси:

— Ота, Эшмат ҳам, Тошмат ҳам хизматкорингиз. Нега бирига беш танга, бирига юз танга ҳақ берасиз?— деб сўраб колибди. Худди шу чоғ кўчадан қўнғироқчаларини жаранг-журунг қилиб туялар карвони ўта бошлабди.

Бой ўғлига:

— Диққат қилиб тургин,— дебдида, Эшматни чақирибди.

— Кўчага қара-чи, қўнғироклар эшитилаяпти!— деб буюрибди.

Эшмат кўчага чиқибди-ю, қайтиб келибди.

— Қандайдир туялар ўтиб кетаяпти,— дебди бойга қараб.

— Бўпти,— деб бой унга жавоб бериб юборибди-да, Тошматни чақирибди. Унга ҳам ҳалигиндай буйрук берибди.

— Кўчага қара-чи, қўнғироклар эшитилаяпти,— дебди.

Тошмат чиқиб кетибди-ю, сал ўтмай қайтиб келибди.

— Араб савдогарлари экан, бой ота,— дебди у таъзим ила,— Киркта туяга хурмо, арабий гиламлар ортишибди.

Улар Хўжабордор карвонсаройига кўнишар экан. У ерда бир кеча тунаб, сўнг Эрон сари йўл олишаркан. У ерда хурмо билан гиламнинг нархи бир ярим ҳисса ошибди. Карвонбошиси Абдул Қосим Бағдодий сизга салом айтди.

— Саломат бўлсин,— дебди бой Тошматдан мамнун бўлиб. Сўнг ўғлига карабди.

— Қалай?

— Тушундим,— дебди ўғли илжайиб.

Ойнаи жаҳонда

(17—23 февраль)

ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эҳ, Топтигин, Топтигин». Мультфильм. 18.20 «Келажагимиз мактабда». Мактаб дарсликлари муаммоси. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти» (рус тилида). 19.15 «Дадил қадамлар». 19.40 «Истеъдод». Замира Раҳматуллаева. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.50 «Мерос». Алихонтўра Соғуний. 22.20 «Кино санъати усталари». Суйменқул Чокморов.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Физика. Ядро реакциялари. Сунъий радиоактивлик. 11.00 «Савдо-сотиқни ўрганамиз». Телефильм. 11.30 Математика. Рационал сонлар.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум» (такрор.). 19.30 «Бир боғча муаммоси». 20.00 Концерт. 20.30 «Лаҳза». Хабарлар. 20.40 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Менинг маҳаллам». 22.15 «Лаҳза». 22.25 «Порлоқ келажакка чорла». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 «Доктор Айболит». Мультфильм. 1—4-фильмлар. 9.15 Телеэкранда биринчи марта. «Сеҳрли доллар». Бадиий фильм (Венгрия). 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДҲ — Канада терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 12.00 Янгиликлар. 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «Бу бўлган бўлганди...» 15.40 «Азизим». Телевизион бадиий фильм 17.10 Болалар соати. Истеъдодлар ва мухлислар . Пермдан кўрсатилади. 18.00 Янгиликлар. 18.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. Эстафета. 4×5 км (хотин-қизлар). 19.15 «Сеҳрли доллар». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Янги студия» таништиради: «Видеомактуб», «Гиннесшоу», «Бироқ». 22.35 «Астра» таништиради: «Парадиз-коктель». 23.30 Мультфильмлар. 23.35 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Конькида югуриш спорти. 5000 м (хотин-қизлар). 00.10 Хоккей. Швеция — АҚШ терма командалари.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Олимпиада кундалиги. 9.50 Итальян тили. 10.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан» . 10.35 «Поной» унутилган қишлоқ». 10.55 Бугун залда. «Каширкадаги кўргазма». Москва мусаввирлари уюшмаси. 11.20 «Сиз яратган боғ». 11.50 Фольклор кўрсатуви. 12.55 Болалар соати (немис тили дарси билан). 13.55 Жан-Филипп Рамонинг мусиқий миниатюралари (Франция). 14.15 «Рус маданияти ҳақида суҳбатлар». 17.30 «Ҳар куни байрам». 17.40 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Оригинал программа. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 23.15 «Россия билан юзма юз». 23.30. Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Онега қиссаси».

СЕШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Сув келар, тош қолар». Телефильм. 8.50 Такрорий фильмлар экрани. «Шароитга қараб иш тут». Бадиий фильм. 9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 10.30 Эстрада тароналари. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бойчечак қўшиғи». 18.40 «Деҳқон маслаҳати». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Кичик корхоналар истиқболи». 19.30 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.50 «Спортлото». 20.55 Жўрахон Раҳимов куйлайди. 21.55 «Муқаддас устахона қўнғироғи». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун фильмлар. «Иншо», «Болхонадаги ёнғин». 19.15 Ғитара оҳанглари. 19.45 «Битишувлар ва келишувлар». 20.30 «Пульс». Хабарлар. 20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 22.00 «Мусиқий меҳмонхона». 22.30 «Пульс». 22.40 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 «Доктор Айболит». Мультфильм. 5—7-фильмлар. 9.00 Телеэкранда биринчи марта. «Номаълум кишининг автопортрети». Бадиий фильм («А. Довженко номли киностудия»). 10.15 «Қутичани оч». Ҳужжатли фильм. 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Швеция — АҚШ терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Аджимушкай». 12.45 «Ён дафтар». 12.50 «Савдо растаси». 13.05 «Бу сизга керакми?» 13.20 XVI қишки олимпизда ўйинлари. Чанғи спорти. Эстафета. 4×10 км (эркаклар). 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.20 «Хавфли ёш». Телевизион бадийй фильм. 17.45 «Қанотлар, оёқлар ва думлар». Мультфильм 17.50 «XX аср солдатлари урушга қарши халқаро телемарафонига . 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Вахтачилар». Телефильм. 18.40 «Хавфли ёш». Телевизион бадиий фильм. 20.05 «Босқичлар». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Номаълум кишининг автопортрети». Бадиий фильм. 22.30 Гершвин-Беннет. «Порге ва Бесс» операсидан мусиқий манзаралар. 23.00 Рукн премьераси. «Максима». 23.30 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Танаффус пайтларида ҳамда ўйин тугагач — Коньки. 1000 м (эркаклар). 00.30 Н. Чепрага куйлайди.

● « ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.20 Қишки олимпиада ўйинлари. Супергигант (хотин-қизлар). 10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 Қишки олимпиада ўйинлари. Икки кураш. Командалар. Сакраш. 11.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 12.00 Пенза вилояти Никольск шаҳридаги шиша ва биллур музейи ҳақида кўрсатув. 12.20 «Мансаб алифбоси». 12.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 12.50 «Простор плюс». 13.20 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Икки хўжайин». 15.15 «К-2» таништиради. 16.20 Биробиджанда яҳудийлар мусиқаси III халқаро фестивали. 17.30 ЖАРдан репортаж. 1-кўрсатув. 18.00 Криминал хабарлар. 18.15 «Ҳар куни байрам». 18.25 «Камера ўтмишни тадқиқ этади». 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Эркин программа. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Эркин мавзудаги иншо». 23.30 «Сафсаталар». 00.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Авто».

ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Узоқ йўлдаги учрашувлар», «Баҳодир». Телефильмлар. 9.20 Такрорий фильмлар экрани. «Довондаги олишув». Бадиий фильм. 10.45 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 11.25 Камер куйларидан концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Фил ва қушча». Мультфильм. 18.20 «Тадбиркор кишилар». 18.55 Тижорат хабарлари. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Тил — дил таржимони». 19.55 «Иқтисодий мустақиллик муаммолари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.50 Ака-ука Иброҳимовлар куйлайди. 21.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қанотлар парвози». Бадиий фильм.

● ЎзТв II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ асослари. 11.00 «Ўтмишдаги гўзаллик». Телефильм. 11.30 Информатика. Алгоритмик тил.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 Классик оперетталар саҳифаларидан. 20.00 «Спринт». 20.20 «Тегирмон тоши». Телефильм. 20.40 «Дорихона сизнинг хизматингизда». 21.40 «Апелляция». Бадиий фильм. 23.10 «02» тўлқинида. 23.25 С. Злотников. «Телба ҳаёт». М. Горький номидаги рус Давлат академик драма театрининг спектакли.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.15 Телеэкранда биринчи марта. «Сашка». Бадиий фильм («Мосфильм») 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. 2 ва 3-даврлар (18 февралдаги кўрсатув такрорланади). 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Владимирда рақс байрами». 2-кўрсатув. 13.15 «Ўз-ўзингга мадад бер». 14.00 «Бизнес-класс». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «Турнача». Мультфильм. 15.30 «Ф. Ф. Ф.» 15.55 «...Хали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.00 «Маугли». Мультфильм. 1, 2, 3-сериялари. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 18.35 «Ислоҳот: ҳафтама-ҳафта». 19.15 «Сашка». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Телевизион танишув». Урмас Отт Геннадий Хазанов билан суҳбатлашади. 22.30 Катталар учун мультфильм. 22.40 «...Хали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.50 Д. Хворостовский концерти. 00.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.20 Қишки олимпиада ўйинлари. Икки кураш. 3×10 эстафетаси. 12.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим». 12.45 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.15 «Узоқ Шарқ» телекўрсатув. 14.00 «Бурда моден» таклиф этади. 14.30 «Том». Ҳужжатли фильм. 14.50 «03» кўрсатуви. 15.20 «Остоженкалик мусаввир». Валентин Леонович. 15.50 «Герцен кўчаси, 1-уйда». 18.10 «Петербурглик могиканлар». Н. Дудинская. 18.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан». 19.05 «Жаҳон бозорининг калити». 19.35 Шаламов асарларини ўқинг. 20.25 «Ҳар куни байрам». 20.35 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.50 Танаффус. «Ночной проспект» рок-гуруҳи. 21.00 Қишки олимпиада ўйинлари. Слалом-гигант (хотин-қизлар). 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Бугун» программаси.

ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Шуҳрат Йўлдошев ижро этади». Фильм-концерт. 8.55 Телефильм. 9.15 Такрорий фильмлар экрани. «Урдак кўли воқеаси». Кинокомедия. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Лахтакой ва булут». Мультфильм. 1-фильм. 18.25 «Бунёдкор». Ҳисорак гидроқурилиши трести ҳақида. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Алифбо сабоқлари». 19.50 «Жума оқшомида». Диний-маърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.50 Мумтоз куйлардан концерт. 21.40 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм. 11.00 «Рақиблар». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Суҳбатга чорлаймиз». 19.00 «Бу оқшомда». 20.30 «Пульс». Хабарлар. 20.40 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм. 1 ва 2-фильмлар. 9.00 «Телевизион танишув». Урмас Отт Геннадий Хазанов билан суҳбатлашади. 10.10 «Павлов овлари». Телефильм. 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. 2 ва 3-даврлар. 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Инсон ва қонун». 12.55 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «...Ҳали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.55 Мультфильмлар: «Маугли». 4 ва 5-сериялар. «Зай ва Чик». 17.45 Й. Гайдн. Труба ва оркестр учун концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 «Кенес Жандибаев, ислоҳчи». 19.25 «Фермата», Мусиқий ахборот кўрсатуви. 19.55 «Қора қути». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Ҳеч нарса ҳақида репортаж. 21.35 Телеэкранда биринчи марта. «Кичкина Вера». Бадиий фильм. (М. Горький номли киностудия). 23.45 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Конькида югуриш спорти. 10.000 м (эркаклар). 00.30 «ВИД» таништиради: «Тўққизлик». 01.10 «...Хали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 9.35 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Россиячасига хусусийлаштириш. 10.20 Қишки олимпиада ўйинлари. Биатлон. 15 км. (хотин-қизлар). 12.20 Долзарб репортаж. «Қозон шаҳрига чипта». 12.50 Телефильм. 13.40 «Россия билан юзма-юз». 14.00 Қишки олимпиада ўйинлари. Биатлон. 20 км (эркаклар). 16.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.50 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Оригинал программа (хотин-қизлар). 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 23.15 Махсус тижорат хабарномаси. 23.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 23.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Авлодларга асрайлик». Кинопрограмма. 9.20 Такрорий фильмлар экрани. «Муқаддас устахона қўнғироғи». Бадиий фильм. 10.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Лахтакой ва булут». Мультфильм. 2-фильм. 18.25 «Одамлар манфаати йўлида». Жиззах вилоятидаги «Молгузар» фирмаси ҳақида. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Оддий кун». Манзарали фильм. 19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.40 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.50 Бастакор Раҳматжон Турсунов қўшиқлари. 21.30 «Тўзон». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Зоология. Ўрта Осиё қушларининг хилма-хиллиги. 11.00 «Кафтдаги қуёш». Телефильм. 11.30 Биология. Ирсият қонунлари.

18.05 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 «Солдат эртаги». Мультфильм. 8.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.40 «Атиргул тутган офицер». Бадиий фильм. 11.25 «Қадрдон оҳанглар». Концерт. 12.00 «Ёлғиз». Телефильм. 12.40 Лючия Алиберти концерти (Италия). 13.25 «Ён дафтар». 13.30 «Бридж» 13.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. 30 км. (хотин-қизлар). 16.30 «Болалар мусиқий клуби». 17.25 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Бобслей. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 18.35 «Инсон ва қонун». 19.15 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «ВИД» таништиради: «Мавзу», «Шоу-биржа». 22.35 «Волоколамск шоссеси». М. Горький номли Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. А. Бекнинг шу номли повести асосида. В. Шацков пьесаси. 00.20 «Қалб қўшиқлари. Концерт. 00.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Ярим финал.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Олимпиада кундалиги. 9.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.20 Қишки олимпиада ўйинлари. Слалом (хотин-қизлар). 11.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 11.30 «Алвасти». Ҳужжатли фильм. 11.50 Инглиз тили. «Оила альбоми». (АҚШ). 12.20 «Севги иқрори». 14.00 «К-2» таништиради: «Бизларни билиб қўй» киновикторинаси, «Коронка» кўрсатуви. 15.00 Россия хомийлари. 16.00 «Қирралар». Бадиий-публицистик кўрсатув. 16.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 17.00 «Простор плюс». 17.30 «Тадбиркорлик ва анъаналар». 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 «Теле-ЭКО». 18.30 «Менга сўз беринг». 18.45 «Версия». 19.00 Очиғини айтганда. «Нифоқ ороли. Японядан қараганда». 2-қисм. 19.30 «Макарьев куни». Ҳужжатли фильм. 19.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 19.55 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.15 «Ҳар куни байрам». 20.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 26-серия. 23.50 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм. 10.05 «Баджаҳл қуёнча». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 10.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.25 «Хотира». Адҳам Акбаров. 11.55 «Қизил яримой шуъласи». 12.25 Ёш ижрочилар концерти. 13.10 «Матбуот ва нарх-наво». 13.45 Р. Муҳаммаджонов. «Ака-ука совчилар». Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли. 15.15 «Тараддуд». Ислом шоир Назар ўғлининг 120 йиллиги олдидан. 18.00 «Тошбақа». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурдоналари». Эрон хонандаси Гугуш куйлайди. 21.50 «Маҳфий элчи». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ II

12.05 АШХОБОД КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.35 Мультфильмлар: «Қор усталар», «Чойнакдаги шер боласи», «Картон соатлар майдони». 9.05 «Момақалдироқ олдидан». Телефильм премьераси. («Союзтелефильм»). 9.35 «ЭХ». Экологик хроника. 9.50 «Марказ». 10.30 Тонгги мусиқий кўрсатув. 11.00 Солдат қўшиқлари фестивали. 12.45 «Қирғиз оҳанглари». Телефильм. 13.00 «Бонг». 13.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. Фигурали учиш. Эркин программа. Хотин-қизлар. Бобслей. 18.00 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.25 Режиссёр г. Данелия фильмлари. «Мимино» («Мосфильм»). 20.00 «Россини Версалда». Опера саҳнаси юлдузлари иштирокида концерт программаси (Франция телевидениеси). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Телеэкранда биринчи марта. «Ол, қўлим... ёки жавоб зарбаси». Бадиий фильм (Польша). 22.45 «Тонг юлдузи» кўрсатуви тунги эфирда». 23.45 «Комик жазман ёки сэр Жон Фальстафнинг ишқий эрмақлари». Телевизион бадиий фильм. 01.00 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. 3-ўрин учун матч.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Мўнба. «Дастлабки, ҳаммабоп». 9.10 Мусиқий танаффус. Халқаро танловлар совриндори Борис Петрушанский. 9.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 10.00 «Пилигрим». 10.45 Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Эркин программа (хотин-қизлар). 13.00 «Петербург могиканлари». Н. Дудинская. 13.30 «М-трест». 14.00 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм.

14.30—18.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

18.00 «Познер ва Донахью». АҚШдан ҳафталик кўрсатув. 19.00 Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Кўргазмали чиқишлар. 21.30 Ҳужжатли фильм. 21.45 «Ҳар куни байрам». 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 27-серия. 23.50 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 00.20 «Ўйин тугади». Қисқа метражли бадиий фильм.

ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». 8.55 Телефильм. 9.35 Спорт кўрсатувлари. 10.35 Араб тили. 11.05 «Турар-жой муаммолари». 11.25 «Халқ севган достонлар». Қ. Норматов ижросида «Бозиргон». 12.25 «Сарҳисоб». Телеочерк. 12.45 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм. 14.00 «Деҳқон ва замин». 18.00 «Ғаройиб бочка». Мультфильм. 18.10 «Кичкинтой» устахонаси. 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.25 «Хонатлас». Телефильм. 19.30 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Гул дарди». Шоира Нилуфар ижоди. 22.10 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.05 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Эрта саҳарлаб». 9.25 «Янги номлар». 10.15 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.45 «ЖАР. Ўтмиш билан хайрлашув». 2-кўрсатув. 11.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали (Миср). 12.00 «Пи» белгиси билан. 12.50 «Саёҳатчилар клуби». 13.50 «Совет Иттифоқи флоти адмирали». Ҳужжатли фильм премьераси («Центрнаучфильм»). 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Джаз портретлари». 16.10 «Уолт Дисней таништиради...» 17.00 Янгиликлар. 17.15 «Анжуман». 18.00 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Финал. 21.10 «Телелоция». 21.25 «Севги ҳақида қисса». Киноконцерт. 21.55 «Эҳтиёткор эчкилар». Мультфильм. 22.00 «Якунлар». 22.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари тантанали маросимининг ёпилиши. 24.00 Булат Окуджава билан учрашув.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 «Мусаввир С. Егоров». 9.10 «Орнамент» ансамбли. 9.25 «Хоҳ ишонинг»... 9.55 «Суперкитоб». Мультфильм. 1-серия. 10.30 Қишки олимпиада ўйинлари. 13.00 Мультфильм.

13.10—18.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

18.00 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида жаҳон чемпионати. 19.00 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 28-серия. 19.50 «Ҳар куни байрам». 20.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.15 «Ҳайвонот оламида». 21.20 Ҳажвий кўрсатув. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Россия билан юзма-юз». 23.20 «Бизнес МН» таништиради. 23.30 «Джаз-тайм».

Сўнгги саҳифа

«НИГОҲ» МУШТАРИЙЛАР НИГОҲИДА

БАХМАЛ районида мустақил «Нигоҳ» газетаси чиқа бошлади. Унга район халқ маорифи бўлими, марказий кутубхона ва «Универсал» кооперативи хомийлик қилиб маблағ билан таъминлашмоқда. Газетанинг дастлабки сонлари ўқувчилар қўлига бориб, тегди. У ёш қаламкашлар ижоди билан меҳнаткашларни таништириб бораяпти.

Алишбой ЭРГАШЕВ
Жиззах вилояти.

Жаҳон кезган рақсдир бу...

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

УЙИМИЗГА меҳмон бўлиб келган холам жуда хафа кўриндилар. Хафаликларининг сабабини сўраганимизда аввалига: «Қўйинглар, дардимни оширманглар», дея қўл силтадилар. Кейин бир оз чақчақлашиб ўтириб кайфиятлари яхшиланди чоғи хафаликлари сабабини сўзлаб бердилар.

Холамнинг айтишларича, 21-январь куни эрталаб соат ўн бирларга яқин Волгоград кўчасида ўнбиринчи троллейбусга чиқибдилар.

— Пионер кўчасидаги Гул совхози ёнидаги бекатга етганда олдинга ўтиб, биринчи қатордаги ўриндиққа ўтирдим. Жойлашиб олгач, шундоқ бошимни кўтариб қараганимни биламан, ақлим лол, ўзим ҳайрон бўлиб қолдим. Шундоққина рўпарамда — ҳайдовчи хонасига кириладиган эшикнинг ўнг ёнбошида яланғоч аёлнинг рангли суврати, ҳатто сийнабанд ҳам тақмаган, чақчайиб тикилиб турибди...

Холам қаёққа қарашни билмай бир ўнгга, бир сўлга қарабдилар, сўнг бошларини кўтариб олазарак бўлибдилар. Не кўзлари билан кўрсинларки, ҳайдовчи хонасида, олдинги ойна тепасига қатор қилиб яна уч яланғоч аёл суврати ёпиштирилиб эмиш. Троллейбусдагилар норози бўлиб бир-бирларига гапирар эмишу, лекин бирортаси ҳайдовчига бир нима демас эмиш. Холамнинг кўз олдиларига норасида невералари, келин-кеватлар келибди. «Болам қатори ёшлар бу шармандачиликни томоша қилиши керакми? Буни айтиб олдириб ташлаш керак», дебдилар-да, троллейбус Муқимий кўчасига чиқиб, бекатда тўхтаганда ҳайдовчига дебдилар:

— Вой, болам, мусулмон фарзанди экансан-ку, мен бўлсам...

— Алҳамдулиллоҳ мусулмонман, нима демоқчисиз!— дея чўрт кесибди ҳайдовчи.

— Анави шармандаларни нега кўзкўз қилиб қўйибсан, болам. Ахир бу жамоатчилик жойи-ку...

— Ҳар куни Москвадан телевизорда кўрсатиб ётибдию, бундан баттарларини... Сизга ёқмаса — қараманг, орқага ўтиб ўтиринг...— дея ўшқириб кабинадан чиқибди.— Қўргингиз келмаса тушинг, троллейбусдан...— кейин йўловчиларга юзланибди:— тушириб юборинглар, бу хотинни. Тушмаса, машинани ҳайдамайман...

Хуллас, анчагина машмашадан кейин троллейбус юрибди. Холам бояқиш дили ранжиб, юраги хуруж бериб қолибди ва борадиган манзилига етмай троллейбусдан тушиб қолибдилар. Тушаётганларида ҳайдовчига: «Эс-ҳушингни йиғиб ол, болам. Мусулмон экансан, танангга бир ўйлаб кўр. Сувратларнинг барини олиб ташла», дебдилар. Ёш экансан, қўполлигингни кечирдим агар тушунсанг ўзингга фойда. Эсон-омон ота-онангнинг ёнига қайт. Бетаҳорат рулни тутма. Харомдан ҳазар қил...»

Кейин дори ютиб, юракларини чангаллаганча бекатда узоқ вақт ўтирибдилар. Сўнг борадиган жойларига ҳам бормай, уйга қайтмоқчи бўлиб яна троллейбусга чиқибдилар. Қарасалар бояги троллейбус экан.

— Бир нарсага хурсанд бўлдим,— дедилар холам.— Эшик ёнига ёпиштирилган яланғоч аёл суврати йўқ — олиб ташлабди. Аммо олдинги ойна тепасидаги уч яланғоч аёл ҳамон кўзини лўқ қилиб турибди. Ким билади, кейинчалик буни ҳам олиб ташлар... Балки... ҳар эҳтимолга қарши троллейбус рақамини ёзиб олдим — 2990. Ҳайдовчининг исми шарифини билмадим. Лекин 21-январда эрталаб соат ўнбирларда бу машинада ким йўлга чиққани маълумку...

Мени ҳаммадан ҳам троллейбусни тўлдириб ўтирган одамларнинг лоқайдлиги ранжитди. Уларнинг бирортасидан ҳам норозилик садоси чиқмади...— дея зорландилар холам.

Бу ноҳуш саргузаштни тингларканман, нахотки шунчалар ўзимизнинг қадримизни билмаймиз, фарзандларимизнинг руҳий тарбиясига путур етказаётганларни кўра била туриб унга чек қўймаймиз.

Бўлиб ўтган бу машмашани қоғозга туширишдан мақсад, диққатни шу воқеага қаратмоқликкина эмас, балки... Ҳар куни шаҳар транспорти хизматидан фойдаланамиз: трамвай, троллейбус, автобус... дегандек. Кўпинча салонларга кўпчиликни ранжитадиган, инсонийликни таҳқирлайдиган сувратларни кўришга мажбур бўламиз. Бундай сувратлар дидни бузади, дилни ранжитади, одамни хўрлайди.

Масъудхон ЗИЁХОН ўғли.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89
● Масъул котиб — 56-52-78
● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Қасаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79
● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63
● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79
● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78
● Бўзатиш ва суратқашлик — 56-85-79
● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-87-74

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Сотувдаги нархи 1 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 14 февралда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Акмал Акромов, Алишер Хакимов

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № 236
● 133.516 нусхада босилди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

БИРГАЛИКДА ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон кўрлар жамияти ҳузурида янгидан ташкил қилинган, ногиронларнинг социал аҳволини яхшилаш билан шуғулланувчи «Синтез» илмий-техника маркази ўзига ҳомийлар изларяпти. «Синтез» давлатга қарашли, кичик ва қўшма корхоналарни, турли ташкилотларни биргаликда ишлашга таклиф этади.

Марказ аҳолининг энг кам ҳимояланган табақалари — ногиронлар, «Афғончи» жангчилар, нафақахўрларни, ногирон болалар махсус мактаб-интернатларини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этади.

Марказ туриб юролмайдиган ногиронларнинг уйда ишлашларини ташкил қилиш учун деталларни йиғиш ва уларга ишлов бериш билан боғлиқ юмушларни топади.

Марказ меҳр-мурувватли бўлишга ва бу ишларнинг ривож топиши учун хайрия бадаллари ўтказишга даъват этади.

Ушбу хайрли ишга бош қўшган барча хомийларни Марказ оммавий ахборот воситалари орқали халққа таништириб боради.

Бизнинг ҳисоб варақамиз: 000467002, мухбирлик варақаси: № 700161156, «Хамкорлик» тижорат банкида Код: 172723104

Манзилгоҳимиз: 700064, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22-уй. «Синтез» илмий-техника маркази.

САЙЁҲГА ҲАМРОҲ

Ташкилотлар ва фуқароларга «Маршал Кошевой» теплоходида саёҳатга чиқиш учун йўлланмалар сотиб олишда ёрдам беришга тайёрмиз. Кема Одесса-Руминия маршрути бўйлаб сузади. Сафар 6 кун давом этади. Сайёҳлар кунига 3 марта овқатланадилар.

Саёҳатга 20 ва 28 февраль кунлари чиқилади.

Сайёҳларнинг хоҳишига қараб Руминияда яна бир кичик сафар уюштирилиши мумкин. Бунда улар автобусларга ўтириб, 70 соат ичида Руминиянинг Брайло, Болгариянинг Бургас, Сезополь, Туркиянинг Истамбул шаҳарларини томоша қиладилар.

Маълумотларни 32-98-92 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй.